ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

Қишлоқ ҳаёти

QiShLO'Q HAYO'Ti

1996 йил 26 март СЕШАНБА № 23 (5.695) сотувда эркин нархда

ТАЪСИСЧИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА МУХБИРИ БИЛАН СУҲБАТИ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ-ЎЗА МУХБИРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВДАН МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ РИВОЖИ БИЛАН БОҒЛИҚ БИР НЕЧА САВОЛГА ЖАВОБ БЕРИШНИ ИЛТИМОС ҚИЛДИ.

САВОЛ: Кейинги пайтларда айрим мамлакатлар матбуот саҳифалари ва телевидениесида собиқ СССР ҳудудидаги, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатларнинг чуқур интеграцияси тўғрисида давлатлараро шартномалар имзоланишга тайёрланаётгани ҳақида турли-туман фикрлар тез-тез такрорланиб турибди. Сизнинг бу хусусидаги фикрингизни билишни истар эдик.

ЖАВОБ: Ҳақиқатан ҳам, кейинги пайтларда собиқ совет ҳудудидаги давлатларнинг интеграцияси тўғрисида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ўз умрини яшаб бўлди, энди интеграцияннинг янги моделини яратиш лозим, деган мазмунда жуда кўп гапириляпти. Айрим кишилар ҳозирнинг ўзидаёқ бу мулжалланаётган бирлашма ва давлатлараро ташкилотнинг номларини ҳам топиб қўйган.

Бу гапларни Беларусь Президенти ўртоқ А. Г. Лукашенконинг чиқишлари, нутқларидан эшитганда, агар биз барчамиз шошилинч равишда интеграция билан шуғулланмасак, дарҳол Россия атрофида бирлашмасак, ҳолимиз вой бўлади, келажагимиз, мамлакатимизнинг тараққиёти барбод бўлади, деган таассурот туғилади. Ҳеч ким, бирор давлат мустақил равишда яшаб қололмайди, ўз муаммоларини ҳал этолмайди, бўхрондан чиқолмайди, деган баёнотларни доимо эшитиб турамиз. Гўё Европа ва бошқа жойларда биз ҳеч кимга керак эмасмиз, нажот фақат тезроқ бирлашишда ёки бугунги кун тили билан айтадиган бўлсак, интеграцияда эмиш. Дастлаб давлатлараро иқтисодий ва гуманитар асосда чуқур интеграцияга эришсак, кейинчалик... қандайдир «конфедерациями, федерация иттифоқи деган, собиқ СССРдан ҳам мустаҳкамроқ бирор уюшма»га етишувимиз ҳеч гап эмас эмиш.

Яна бир гап: бугунги айрим суверен давлат раҳбарлари ўзига, худо кўрсатмасин, собиқ СССРнинг барбод бўлишида иштирок этган, деган айб қўйилишининг олдини олишга уринади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги айрим раҳбарлар интеграция ёки турли-туман иттифоқлар барпо этиш тўғрисидаги янги ташаббусларни дам-бадам кутариб турмаса, хумори босилмайди.

Шуниси ғалатики, айрим раҳбарлар ўз номидан, айтайлик, ўз республикаси номидан эмас, албатта, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига бирлашган барча мамлакатлар номидан гапиришга ҳаракат қилади. Гўёки, уларга барчанинг номидан гапириш ҳуқуқи берилгандек.

Бироқ бу халқлардан ҳар бирининг муайян тафаккур тарзи, руҳияти, кайфияти қандайлиги, бу муаммоларга муносабати, улар ўз келажагини қандай тасаввур этаётгани хусусида ўйлаб кўриш уларнинг етти ухлаб ҳам тушига кирмайди.

САВОЛ: Сизнинг фикрингизча, бундай ташаббусларни қандай изоҳлаш мумкин?

ЖАВОБ: Бундай «ўта фаоллик»ни, ўзбекча қилиб айтганда, ҳовлиқмаликни фақат шундай изоҳласа булади:

Биринчидан, барчанинг назарида бўлиш, ўзини нафақат ўз халқининг, балки қачонлардир СССР таркибида бўлган бошқа республика ва халқларнинг ҳам манфаатлари учун қуюнадиган киши сифатида кўрсатиш, кўз-кўз қилиш истаги.

Иккинчидан, менимча, бу энг муҳими ҳам — ўз фуқаролари ва жамоатчиликнинг диққатини мамлакатдаги кескин муаммолардан чалғитиш, бошқа йўл тополмаслик, истасангиз, бутқул ночорлик белгисидир.

Аслида бу ерда баҳснинг ўзига ўрин йўқ: интеграция керак, мен ҳатто интеграциянинг ўзигина эмас, умумий мақсадларга эришиш, барча халқларнинг фаровонлиги йўлида бор куч ва имкониятларни бирлаштириш учун шарт-шароит яратадиган кооперация керак, деб айтган бўлардим.

Бироқ интеграция оқилона бўлмоғи лозим. Аввало, бундай интеграция учун тегишли шарт-шароит яратилиши зарур. Яъни менинг қатъий фикрим шундан иборатки, интеграция, энг аввало, ўз салоҳияти, ўз кучи ва имкониятларига суянган ҳолдагина, ўзаро фойдали шериклик қилиш учун қурби етгандагина, такрор айтаман, ўзаро фойдали кооперация вужудга келиб, бундан барча манфаатдор томонлар наф кўрганидагина амалий натижа бериши мумкин.

Боқимандаликка асосланган уринишлар, ўз муаммоларини бошқалар ҳамда уларнинг ресурслари ҳисобига ҳал қилишга умид боғлаш, мажозий қилиб айтганда, ёвғон шўрва ҳаммага баравар тортиладиган қуроқ дастурхон муҳайё этишга интилишлар биз учун мутлақо мақбул эмас. Энг муҳими шундаки, бундай интеграция эркимизни, мафкурасидан, дунёнинг қайси қитъасида жойлашганидан қатъи назар, биз муносабат ўрнатган шериклар билан алоқаларимизни чеклаб қўймаслиги керак.

Бундан ташқари, интеграциянинг янги модели, бугунги кунда турли минбарларда тез-тез такрорлаб турилганидай, қандайдир ҳарбий-сиёсий блок тузиш мақсадига хизмат қилмаслиги лозим.

САВОЛ: Сизнинг назарингизда интеграция жараёнларини шакллантиришга асос бўла оладиган принципиал ҳоллар нималардан иборат бўлиши мумкин?

ЖАВОБ: Биз давлатлар ўртасидаги интеграция ва кооперация қўйидаги бешта шартга асосланиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, интеграцияга ихтиёрий қўшилиш, бунда давлатлар тўла тенг ҳуқуққа эга бўлиши керак. Суверенитет ва давлат мустақиллиги тўла сақланиб қолиши зарур.

Иккинчидан, ҳар бир мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотлар бир йўналишда ва бир-бирига монанд бўлиши лозим. Назаримизда, сиёсий ва иқтисодий янгиланишларнинг, қонунчилик ва ҳуқуқий асоснинг турли босқичида турган давлатларнинг интеграциялашуви мумкин эмас.

Учинчидан, ҳар бир давлат, энг аввало, ўз салоҳиятига суяниши лозим. Интеграция ва кооперация жараёнларини чуқурлаштиришдан барча аввало ўзаро, бир-биридан манфаатдор бўлиши керак. Боқимандалик кайфиятининг барча қуринишларига, бировнинг ҳисобидан бошқаларнинг муаммосини ҳал этиш ниятларига барҳам берилиши шарт. Қудратли Россия бошқаларни елкасига ўтқазиб, бало-қазолардан бир амалдаб олиб ўтади, деган хомхаёлга ўчмаслик керак.

Тўртинчидан, интеграция жараёнларини сунъий равишда жадаллаштиришга ҳам йўл қўйиб бўлмайди, интеграция шунчаки интеграция учун эмас, ўзини кўрсатиш, популистик ва бошқа сиёсий мақсадлар учунгина эмас, энг аввало, биз номи ва фикри билан ҳар бир хатти-ҳаракатимизни ниқобламоқчи бўлаётган халқларнинг фаровонлиги учун амалга оширилиши лозим.

Бешинчидан, интеграция жараёнларига мафкуравий тус бериш оқибатида давлатлар ўртидан қуриладиган парламентлараро, ҳукуматлараро қўшма тузилмаларни ташкил этиш, бу жараённи иқтисодий интеграция жараёнларидан олдин қўйиш ҳамда иқтисодий алоқаларнинг холисона амалга оширилишига зўғум қилиш мутлақо номақбулдир.

Аравани отдан олдинга қўйиб бўлмаганидек, сиёсатни ҳам иқтисодиётдан олдинга қўйиб бўлмайди.

Интеграция деб аталаётган бундай ҳодисанинг куч ишлатадиган, зўравонлик усуллари бизга мутлақо тўғри келмайди. Бунинг қандай оқибатга олиб келиши тўғрисида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

АНДИЖОН вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида келиб чиқадиган вазифалар ҳамда Россия Федерацияси Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартдаги қарори тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Республика Олий Мажлиси раисининг ўринбосари А.Қосимов шу ҳақда маъруза қилди.

Йиғилиш қатнашчилари Россия Федерацияси Давлат Думасининг собиқ иттифоқни қайта тиклашга қаратилган қарорига муносабат билдириб, унинг юртимиз учун ҳеч қандай алоқаси йўқлигини, мустақил Ўзбекистон ўзи танлаб олган тараққиёт йўлидан, мустақиллик, тинчлик ва туб ислоҳотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаслигини таъкидладилар. Йиғилишда вилоят ҳокими Қ.Обидов сўзга чиқди.

ни, уларни изчиллик билан бажариш барча соҳаларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, шунингдек, халқ фаровонлигини ошириш имконини бериши уқтирилди.

СЕМИНАР-КЕНГАШ ИШ БОШЛАДИ

25 март куни Вазирлар Маҳкамасида қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари ва мутахассисларининг семинар-кенгаши бошланди. Унда Республика Бош вазирининг ўринбосари Р. Гиниятуллиннинг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги маърузаси тингланди.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, — дейилади маърузада, — мамлакатимизнинг бундан бўенги тараққиёти кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришларнинг амалга оширилишига боғлиқдир. Бу борада ҳозирдаёқ салмоқли ишлар бажарилди. Буни хусусий деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар ҳамда машина-трактор парклари тажрибаси мисолида яққол кўриш мумкин. Ҳозирги вақтда ҳамма гап қишлоқ хўжалигида илғор технологияни кенг қўллаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, шунингдек, мутахассис кадрларга боғлиқ бўлиб қолди.

Уч кун давом этадиган семинарда контрактация шартномалари тузишни такомиллаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш, етиштирилган маҳсулот сифати, қишлоқда янги иш жойлари ташкил этиш, айниқса пайчиликни жорий этиш борасидаги муаммолар билан боғлиқ масалалар муҳокама этилади.

Семинар-кенгашнинг очилишида Президентнинг давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Республика Бош вазирининг ўринбосарлари Қ. Ҳаққулов, У. Исмоилов, Ч. Чжен қатнашди.

(ЎзА).

ЕРГА ЧИГИТ ТУШДИ

Фасллар силуви — баҳор ерга ўзининг яшил либосини кийдирмоқда. Адирларда чучмомалар, қирларда қизғалдоқлар, ариқлар бўйида ангизу, ялпиз ҳиди гуркирайди. Табиат уйғонди, бутун борлиқ қуклам тароватидан сармаст.

Ерни яшнатадиган, ризқ-рўзидирадиган бободеҳқон учун жўшқин меҳнат палласи бу. Қор остида дам олиб кўпчиган она замин миришкору соҳибкорга яна ўз бағрини очди.

Сурхондарё вилояти деҳқонлари ғаниман кунларининг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб ерга барака уруғи қадашни бошлаб юборишди.

— Жорий йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш ва режани барвақт уддалаш учун Қумқўрғон, Жарқўрғон, Термиз туманлари деҳқонлари баҳорнинг илк кунлариданоқ дала ишларини қизитиб юборишди, — дейди вилоят агросаноат бирлашмаси деҳқончилик бўлимининг бошлиғи Митхат Камолиддинов.

Илдамларидан андоза олишган бошқа хўжаликлар миришкорлари ҳам чигит экишни пайсалга солмай бошлаб юборишди. Шу кунгача вилоят бўйича 700 гектар майдонга барака уруғи қадалди. Айрим хўжаликлар Фарғона усулини қўллаб чигитни пуштага экишмоқда. Асосан ингичка толали «Термиз-24», «Термиз-31» ва оқ пахтанинг «Наманган-77» навлари экиляпти.

Чигит экиш вилоят бўйича 15 апрелгача тугалланади. Бу йил жами 120 минг гектар ерга барака уруғи қадалмоқда. Отни барвақт қамчилаган Термиз туманидаги «Янгиариқ», Жарқўрғон туманидаги «Сурхон», «Оқтепа» ва А. Навоий номли, Қумқўрғон туманидаги Сафар Бойматов номли жамоа хўжаликларида эса экин-тикин ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Энг муҳими, чигитни ернинг ўз намига ундириб олиш.

Шунингдек, эртаги сабзавот экиш ҳам қизғин. Суғорилиб озиқлантирилган ғаллазорлар ривожи яхши. Далалар яшил либосда. Гектарлар ижарачиларга бўлиб берилган. Навруз байрами арафасида 4 миллион дона терак қаламчалари экилди. Ҳашар йўли билан қўшимча боғ ва узумзорлар барпо қилинди.

Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ.

ТОШКЕНТЛИК ТАДБИРКОР МИРЗАЧЎЛДА

Оқолтин район А. Тойиров номли деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасининг «Иттифоқ» қишлоғида кўпдан бери бунақа шоду хуррамлик бўлмаганди. Хўжаликнинг меҳнат аҳли, «Иттифоқ» қишлоғининг ёшу қариси, яқин-йироқдан келган меҳмонлар, ҳамма-ҳамма бу ердаги собиқ машина-тракторлар ҳовлисига тўпланишган. Бинонинг баланд томида бекасам тўнли йигитлар карнай-ноғора чалиб тантана хушхабарини тарқатиб, барчани тўйхонага чорламоқда. Одамларнинг чеҳрасида табассум, ёшларнинг дилида виқор, ичкарида безатилган дастурхон. Сабаби, бу ердаги собиқ устахона биносида бугун кўп секцияли, йирик тегирмонни ишга тушириш маросими бўлади. Янги қурилма бир кечаю кундузда оз эмас, кўп эмас 50 тонна донни тортиб, ун қилиб бериш қувватига эга. Керак бўлса, тегирмонни чорва озуқаси тайёрлашга мослаштириш мумкин. Бугундан эътиборан деҳқон фермерлар тегирмон излаб узоқ жойларга бориб юришмайди. Аксинча, қўшнилар келиб бу ерда ташкил этилган бугдойни сара унга айлантиришнинг тезкор хизмат усулидан фойдаланишади.

Янги иншоотни ишга туширишга бағишланган шодиёнани Оқолтин район ҳокими , Узбекистон Олий Мажлиси депутати А. Қаюмов очди. У лентани қирқиб, барчани ичкарига бошлади. Хўжаликнинг нуфузли кишилари қуршовида фойдаланишга топширилаётган тегирмонни қурдирган мулкдор Шукурхўжа Иноғомовга ҳам сўз берилди. У микрофонга келиб киссасидан қоғоз чиқараркан, шундай деди:

— Махтумқули эл дардига дармон бўла олган кишигина бахтиёрдир, — деган экан. Мен ҳам узимнинг дастлабки хайрли ишимдан тўлқинланиб, умримда ижод қилмаган бўлсам-да, шеър ёздим. Рухсатингиз билан уни ўқийман. У ўқиган шеър тараннумида Ватанга муҳаббати чексиз, элига меҳри беқиёс, олийжаноб ишларга бели боғлиқ меҳнат баҳодирининг дил рози акс этганди. Ўтирганлар саҳоватпеша мулкдорни қарсаклар билан олқишлашди.

Кичик корхонани ишга туширишга ҳам шунча тантанами, дегувчилар топилар, балки. Воқеанинг аҳамияти молик томони шундаки, тадбиркор Шукурхўжа Иноғомов тошкентлик, у Собир Раҳимов районидаги Ҳофиз Қуҳакий маҳалласидан. Шаҳарликлар ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг зарурлигини кенг маънода тушунишади. Улар илмий-техникавий ва бошқа ахборотлардан кўпроқ хабардор. Улардаги қишлоқ аҳлига камарбаста бўлиш истагини ҳар қанча табрикласак арзийди. А. Тойиров номли деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси аъзоларидан бири Тошкентнинг Ҳофиз Қуҳакий маҳалласига меҳмон бўлиб келганида, «Сизларда маълумотли йигитлар кўп экан. Таклиф этсанг, бизларга қўшимча ишчи ўринлари яратиб беринг, ёрдамингизга муҳтожмиз», деб маҳалладагиларни қишлоққа таклиф этганди. Шукурхўжа Иноғомов шу куниёқ Оқолтин районига чиқиб, ҳоким Абдураззоқ Қаюмовга учради. Деҳқончилик учун ундан ер сўради. Район раҳбари қаршисида ўтирган зуваласи пишиқ, қўринишидан босиқ, ақлли йигит билан облон таништач, унга ишонди. Нималарга эътиборни қаратишини айтиб, йўл-йўриқлар берди. «Ёрдам керак бўлса, тортинмай мурожаат қилинг», деб фаолият кўрсатишига йўл очиб берди. Шукурхўжа танишлари, ёру дўстлари билан хўжалик ҳудудидаги фойдаланилмай етган ер майдонлардан 150 гектарни экинзорга айлантиришга киришди. Узлаштириб улгурган дастлабки 30 гектар ерга бугдой экиб, 20 центнердан ҳосил олди. Атрофдаги қишлоқларда ун тегирмонининг йўқлиги аҳолига қийинчилик туғдираётганини кўриб, у тегирмон қуришни ҳам бошлаб юборди. Иншоот катта маблағ талаб қиларди. Тадбиркор ҳомийлар топди. Танишлардан қарз олиб бўлса-да, зарур асбоб-ускуналар сотиб олди. Тўққиз ой давом этган қунтли меҳнатдан сўнг мана уша тегирмон ишга туширилди. У ҳадемай фойда келтира бошлайди. Қарзлар узилади, тегирмон эса ёнига қолади.

Пойтахт шаҳарлан Мирзачўлга келган тадбиркор Шукурхўжа Иноғомов ҳам фермер, ҳам саноатчи бўлмоқчи. Шу ўринда ёзувчи Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидаги Мирзакаримбойнинг тадбиркор ўғилларидан бирини эсладик. У «Заминдор эдим, энди заводчи бой бўлмоқчиман» деганди отасига. Шукурхўжа Иноғомов 1996 йили деҳқончиликдан келадиган даромадини асосан кичик корхоналар очишга сарфлаш ниятида. Шу кеча-кундузда унинг тасарруфида 500 гектар ер бор. Бу майдоннинг тенг ярми бугдойзор, қолган қисми ҳам деҳқончиликка шай қилиб қўйилган, пахта, озуқабоп ўсимликлар экишни режалаштирган.

Маросимда тадбиркорнинг рафиқаси, фарзандлари, оғаинилари, дўсту биродарлари, маҳалладошлари ҳам қатнашдилар. Ҳофиз Қуҳакий маҳалласининг оқсоқоли Маҳкам Каримов «Шукурхўжа бошлаган эзгу ишлардан ҳаммамиз фахр-ифтихор туямиз, шаҳарликлар билан қишлоқ аҳли ўртасида янгича, замонавий иттифоқ шаклланмоқда», деди ва бу ҳаҳилликни мустаҳкамлашга даъват этди.

Тадбиркор Шукурхўжа Иноғомовнинг довруғи ҳозирданоқ узоқларга ёйилган. Наманган вилоятидаги «Чортоқ-Барака» деҳқон-фермер хўжалиги раиси Нуъмон Тойиров янги касб-дошини тажриба алмашувни йўлга қўйишга, эзгу ишларни амалга оширишда беллашиб-баҳслашиб ижодий меҳнат қилишга чақирди. Қўшни Қозоғистоннинг Пахтаорол районидан келган оқин эса улан айтиб, барчани хушнуд қилди.

А. Тойиров номли деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси бошқарувининг раиси Абдураҳим Алиқулов ҳам ўз қувончини яширимади:

— «Элга эл қўшилса — давлат» деганлар. Бизда жами 10 та деҳқон-фермер хўжалиги бор эди, Шукурхўжа келиб қўшилгач, улар сони 11 тага етди» деди.

Раис шаҳарлик фермерга тўлиқ шароит яратиб берган. Сердарахт каттагина ҳовли тураржой сифатида шаҳарлик тадбиркор ихтиёрида. Мирзачўлда фаолият бошлаган тошкентлик тадбиркор билан бирга бугун 130 нафардан кўпроқ киши елкама-елка ишлаяпти. Дастурхон атрофида биз уларни камтар-қамсуқум ўтиришганини кўрдик. Улардан бири Турсунбой Бойбеков билан суҳбатлашдик. «Яхши ҳақ олаяпсизми?» деган саволимизга у «Рўзғоримизга етарли дон, ун олиб турибмиз. ишлар юришиб кетса, турмушимиз янада яхшиланади. Бизлар шаҳарлик тадбиркор Шукурхўжа акага ишонамиз», деб жавоб қилди. Турсунбойнинг бу сўзларига қойил қолдик. Ҳалкимиз маҳ-қадар қаноатли, камтарин, меҳнатсевар. У арзимас нарсалар учун талашмайди. Бундай кишилар ишончига панд бермаслик, суиистеъмол қилмаслик ҳам қарз, ҳам фарз. Шукурхўжа Иноғомов ҳам Мирзачўлдаги бу хўжаликка яхши орзулар билан келган. Қишлоқдаги ортиқча ишчи кучларига муносиб машғулот топиб бериш, уларнинг бошини қовуштириб, куч-ғайратини бунёдкорлик ишларига йўналтиришдек эзгу ниятига муваффақиятлар тилаймиз.

Бахром ҚАҲҲОРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.



1. Тадбиркор Шукурхўжа Иноғомов (ўртада) ҳамкасблари даврасида. 2. Ишга туширилган янги тегирмон.
Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ЭРТАНГИ КАРТОШКА ЭКИЛДИ

Навруз байрами арафасида «Жалаер» жамоа хўжалиги деҳқонлари Риштон туманида биринчи бўлиб 7 гектар майдонга Голландиядан келтирилган цав картошкани экиб бўлдилар. Уруғлик сифатли тайёрланган ерларга жойлаштирилди. Иброҳимжон Маҳмудов, Жалолиддин Жамолов бошлиқ бригадаларда экиш ишлари уюшқоқлик билан ўтди.

МАСЛАҲАТЛИ ТЎЙ БУЗИЛМАС

«Туркистон» хўжалиги Пешку туманида йирик жамоалардан ҳисобланади. Экин майдони 1448 гектар. Туман ҳокимлиги ўтган йили хўжаликка тажрибали деҳқон Убайдулло Маҳмудовни раҳбарликка тавсия этиб янлишмаган экан. Янги раис ишни қолоқлик сабабларини ўрганишдан бошлади. Бош мутахассисликка Олимжон Муродов, бош ҳисолотликка Толибжон Шарипов қўйилгач, ишлар юришиб кетди. Жамоада кадрлар ва улар билан ишлашга эътибор кучайди. Сердаромад соҳа пахтачиликка алоҳида эътибор берила бошланди. Утган йили режа ортиғи билан уддаланди. Давлатга 2847 тонна хом ашё сотилди. Равшан Маъдиев, Хайрулло Абдуллаев, Боймурод Саидов, Измурод Жабборов, Бобоназар Абдиевлар етакчилигидаги бригадаларда гектаридан 35-43 центнердан ҳосил олинди.

Яқинда хўжаликда бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишида бошқарув раиси Убайдулло Маҳмудов бултурги натижалар ҳақида фикр юритар экан, ҳали ишга солинмаган имкониятлар, дончилик ва чорвачилик соҳасидаги камчиликлар, сабзавотчиликдаги нуқсонлар, ерга муносабат тўғрисида гапирди. Сўзга чиққанлар ўтган йилги ишларни чуқур таҳлил этиш билан бирга жорий йилги ишлар ҳақида мулоҳазаларини баён этдилар. Йиғилишда хўжаликда бу йил камида 3.000 тонна пахта, 1000 тонна дон, мул-кўл чорва ва сабзавот, полиз маҳсулотлари, пилла етиштиришга келишиб олинди.

Собиржон ҚОДИРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ТАНЛАГАН ЙЎЛИГА СОДИҚМИЗ

Мамлакатимиз агросаноат мажмуи ходимлари ҳам Россия Давлат Думасининг собиқ СССРни қайта тиклашга қаратилган қарорини зўр ташвиш ва ғазаб билан қарши олдилар. Улар Давлат Думаси ўз қарорини барча собиқ СССР республикалари халқларининг яна бирлашишига умумий истаги деб қўрсатиб, ўз ваколатлари доирасидан четга чиққанлигини қатъиқ туриб қораламоқдалар.

Қуйида Қамаши тумани меҳнат аҳли вакилларининг шу хусусдаги фикр-мулоҳазалари баён этилган.

АСОССИЗ ҚАРОР

Алимардон ИСЛОМОВ,
туман соғлиқни сақлаш бўлими ҳакими

Россиядаги ҳаёт жуда ҳайратомуз: Президент ўз ҳолича, парламент ўз ҳолича ҳаракат қилади... Умуман Россия заминига унга ёт бўлган моделлар келтириб, жорий этилгани, ислоҳотлар шошма-шошарлик билан амалга оширилаётганлиги вазиятни мураккаблаштириб юборди, ижтимоий сафсатабозликнинг бош кўтаришига шароит яратди. Россия Федерацияси Давлат Думасининг 1996 йил 15 март куни Беловеж битимларини бекор қилиш ҳақида коммунистлар ташаббуси билан қабул қилган қарори ҳеч қандай ақлга тўғри келмайди. Бу собиқ СССРни, коммунистик мафкурани қайта тиклашга, ҳаётда ўзини оқламаган эски ақидаларга қайтишга даъват этишнинг айни ўзгинасидир.

Очиғи, оддий бир фуқаро сифатида Б. Н. Ельцин соғлом кучларни Россияда фашизмни тиғилишига қарши курашга чақирганида вазият наҳотки шунчалар мураккаб бўлса, деб ўйлагандим. Ҳаёт баъзи кимсалардаги империяпарастлик касали, мамлакатда ижтимоий сафсатабозлик нақадар зўр эканлигини яққол кўрсатди. Қатъий фикрим шуки, Россия Думасининг ҳайратомуз қарори Президентлик сайловида голиб чиқиш учун қилинган муттаҳамона ҳаракатдир. Ўзбекистон ўз мустақиллигини Беловежи ўрмонидаги шартномадан олдин қўлга киритган ҳамда ўзи танлаб олган йўлдан комил ишонч билан бораётган бир даврда унинг ишига, мустақил давлатлар ишига қўпол равишда аралашиш ҳеч қандай қоидага тўғри келмайди. Боз устига қайси давлат, қайси халқ ўз асрий орзусига эришганида яна эски зўравонлик тузумига қайтишни хоҳлайди?!

Энг ёмони маънавий ҳаётдаги инқироздир. Равшанки, Россияда саноат, индустрия қуввати кескин пасайиб, ишлаб чиқариш камайиши оқибатида жамият инқирозга учради. Ҳаёт кечириш мураккаблашди. Бу ерда албатта ёт кучларнинг ёрдами билан ҳамма нарса кишилар кўзига ёмон бўлиб кўрина бошлади. Кимлардир ўтмишни қўмсаб қолди. Буларнинг ҳаммаси империяпарастлик касалига мубтало бўлганларга қўл келди. Қизиқ, наҳотки, ўша Зюганов, Лукьянов, Лигачев ва уларнинг тарафкашлари битта қарор билан СССРни тиклаш мумкин деб ўйласалар. Думадаги коммунистлар кимлигини яхши биламиз. Улар собиқ СССР даврида ўзга халқлар ҳисобига яшашди. Яхши эслаймиз, ўша пайтда етмиш йил ичида бири икки бўлмаган ўзбек деҳқони ўзи емай аввало Бутуниттифоқ фондига неъмат юборди. Қатта газ магистраллари орқали зангори оловни четга «тортиқ» этиб, ўзимиз тезак тутатиб қозон қайнатдик...

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарорида Россия Федерацияси Давлат Думасининг собиқ СССРни қайта тиклашга қаратилган қарори муҳокамага лойиқ эмас, дея эътироф этилганлиги Узбекистонимизда яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг хоҳиш-иродасини ифодалайди. Ҳа, Россия Думасининг қарори мустақиллик, тинчлик, тараққиёт йўлидан дадил бораётган Узбекистон учун ҳеч бир даҳли йўқ.

ЧУҚУР ТААЖЖУБДАМИЗ

Орол КАРИМОВ,
республикада хизмат кўрсатган ирригатор

Россиядаги муҳитнинг МДҲ давлатлари халқларига таъсири катта. Шу боис бу мамлакатдаги воқеаларни синчиклаб кузатиб бораяпмиз. Бахтга қарши Россияда маънавий ҳаётда инқироз бошланди. Давлат Думасининг Беловеж битимларини бекор қилиш ҳақида коммунистлар ташаббуси билан қабул қилган қарори ҳеч қандай ақлга тўғри келмайди. Бу собиқ СССРни, коммунистик мафкурани қайта тиклашга, ҳаётда ўзини оқламаган эски ақидаларга қайтишга даъват этишнинг айни ўзгинасидир.

Ночорликдан сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар натижаларига ишонмасликдан интеграция сари қадам ташланаётганлигини халқимиз кўриб-билиб турибди. Ташвишлиси шуки, бундай шартномалар МДҲ доирасидаги ҳамкорликни барбод қилиши мумкин. Биз Россияда коммунистлар билан «ватанпарварлар»га қарши кураша оладиган куч борлигига ишонамиз. Бу мамлакатни гуллаб-яшнаган демократик мамлакат сифатида кўришни истаймиз.

Утмишда марказ бизни боқимандаликда айблаб келди. «Пахта ҳақида ўйланглар, қолганини давлат етказиб беради» деб халқимизни аста-секин ўзига қарам қилди. Ҳатто оддий тегирмонларимизни эсимиздан чиқаришди. Мустақиллик туфайли Узбекистон жаҳонга танилди. Ғалла мустақиллигига эришилаётганлиги ёш давлатнинг катта ютуқларидан бири. Охунбобоев номли хўжалигимиз деҳқонлари ўтган йили мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб иложи борича кўпроқ бошоқли дон етиштириш пайида бўлдилар. Майсалар вақтида озиқлантирилди, ўрим-йиғим қисқа муддатда амалга оширилди. Натижада ғалла етиштириш йиллик режаси 164 фоизга бажарилди. Деҳқон садоқати деганда шуни тушуниш керак.

Ҳозирги кунда тажрибакорлар бошчилигида ҳашар уюштириб далаларга иложи борича кўпроқ маҳаллий ўғит ташиб келтираяпмиз. Чигит экиш қулай муддатда утказилади. Бунинг учун уруглик, техника шай, бахтимизга юртимизда ҳамиша тинчлик-хотиржамлик, фуқаролар тотувлиги барқарор бўлсин!

Россиядаги ном чиқариш мақсадида қилинаётган айрим баёнотларда кўзга яққол ташланаётган шовинистик кайфиятлар, империя жазаваси хавфи барчани ўйлатиб келаётгани табиий. Бу Президент сайлови олдидан янада зўрайиб бораётир. Савол туғилади: хўш, нега энди кимлардир ўтмишни қўмсаб қолишди? Равшанки, СССР даврида Думадаги коммунистлар ўзга халқлар ҳисобига беками-кўст яшашди. Кимларнингдир, аниқроғи қайсидир халқнинг насибасини қийиб, муаммоларни осонгина ҳал этиш одатий ҳол эди. Бундан ташқари ўша «халқ ғамхўрлари» рус бўлмаган халқлар тақдирига баъзида беписанд қараганликларини ҳам яхши биламиз. Барча республикалар аввало Москвани тўкин-сочин қилишга хизмат қилди. Йилнинг тўрт фаслида энг арзон ва сара неъмат ўша ерда эди. Бундай ҳаёт кимга ёқмайди. Мана энди ўз кунлари ўзларига қолганида ўтмишни қўмсаб қолишди...

Туманимиздаги соҳибкору, чорвадор, ишчию қурувчини яна бир нарса хайрон қолдираяпти: сайловолди шиорларидаги сохта ватанпарварлик, миллатчилик оҳанги шунчалар очиқ-ойдин бўлмаса. Россия халқининг баъзи қатлами кимларга ишонаяпти. Айрим сафсатабоз, ўта миллатчи кишиларнинг сўзлари уларга мойдек ёқаётганлиги ажабланарли ҳол. Масалан, ўзим Жириновскийнинг «нутқ»ларини тинглаганимда ҳайратдан ёқа ушлайман. Ахир у қандай қилиб Марказий Осиё халқларининг иззат нафсига тегадиган ҳақоратомуз гапларни бемалол айтаверади. Қозоғистон гайриқонуний равишда мавжуд дейишдан чўчимайди. Жириновский ким? Давлат Думаси депутати, парламент фракциясининг раҳбарими ёки масхарабоз, е бўлмаса шунчаки бир «сайроқи»ми?

ЎТМИШНИ КИМЛАР ҚЎМСАЯПТИ?

Иброҳим АҲМЕДОВ.
район халқ таълими бўлимининг бош мутахассиси

Яна бир масала хусусида, Думадаги коммунистлар, жумладан Лигачев: Президент сайловида ғалаба қозонамиз, кейинги қадамимиз СССРни қайта тиклашдир, дея баёнот берди. Хўш, буни бошқа халқлар хоҳлайдими, йўқми бўғи Думадаги коммунистларни қизиқтирмайди. Қизил империя даврида ана шундай ишлашга одатланиб қолишган. Унутишмасин, зўравонлик билан иш юритадиган давр ўтиб кетди. Биз Россияда соғлом тафаккурнинг ғалаба қилишига ишонамиз.

Кишини бир нарса қувонтиради. Барча ўзбекистонлик фуқаролар қатори туманимиз кишилари ҳам ҳамкору ҳамжиҳат бўлиб сафсатбозларга зарба бериш, фийлойи меҳнат билан мустақиллигимизни мустаҳкамлашга бор имконлари билан ҳаракат қилишаяпти. Қийинчиликлар етарли бўлса-да меҳру оқибат орамиздан узоқлашаётгани йўқ. Қаранг, куни кеча оддий фуқаро О.Эшонқулов «Меҳрибонлик уйи» болалари учун 30 кило парварда, 30 кило магиз топширибди. Муборак газчилари эса ота-она меҳрига зор бўлганларга 39 минг сўмлик кийим-кечак совға қилишибди. Ютуқларимизнинг ҳаммаси аввало мустақиллигимиз шарофатидан. Уни кўз қорачиғидек асраш муқаддас бурчимиздир.

Коммунистик таълимотер юзидаги жамики одамзотни бир-бирига тенг, ўхшаш қилмоқ орзусида яшади. У ҳар бир одам ўзга бир дунё эканлигини тушуниб етмади. Коммунист узини, болачақасини уйлашга ҳаққи йўқ. «Жонажон Коммунистик партия даъватига лаббай деб жавоб бериш» унинг бурчи эди. Зуравонлик мафкураси ҳукмрон бўлган кунларнинг бирида хўжалигимизда чорвадорлар йиғилиши бўлди. Ушанда уч нафар коммунист сўз олиб, партия съезди шарафига зарбдорчасига ишлаб, юқори кўрсаткичларга эришишга даъват этди. Уша йиғилишдан кейин «совлиқлар болалашни бошқатдан бошлашди». Ҳар юз қўйдан 200 тадан кўзи олишга аҳд қилган шоввозлар кўпайди. Савол туғилади: қандай яшадик, кимни алдадик? Виждонга қарши бориб, бўлмаган ишларни бўлдириб халқнинг қўйнини пуч енгоққа тўлгазишди. Оқибат натижада ҳаммаёқни баландпарвоз шиорлар босган бўлса-да тараққиётга эришмадик. Қишлоқларимиз йиллар мобайнида харобликгича қолди.

Энг даҳшати — ўз тилимиздан, динимиздан, ўтмишимиздан мосуво бўлгандик. Яхши эслайман, москвалик арбоблардан бири Узбекистон мустақил бўлса, хароб бўлади, дея «донишманд»лик қилганди. Мана, энди кўриб қўйишсин мустақил Узбекистон камолию жамолини. Зўравонлик мафкураси даврида одамлар ҳалол меҳнат билан бойлик орттиришга, янги уйлар қуришга, енгил автомашина сотиб олишга чўчишарди. Ана энди эса боқимандалик кайфиятлари чекина бошлади. Тадбиркорларга, ишбилармонларга кенг йўл очилди. Юртимизда қарор топган тинчлик, барқарорлик туб ислоҳотлар муваффақиятига асосий омил бўлди. Дуога қўл очишга қўрқиб қолган халқ мустақиллик шарофати туфайли асрий орзусига эришди. Унутишмасинки, Россия Федерацияси Давлат Думаси сўров натижаларини рўкач қилиб келтираётган 1991 йил 17 мартдаги иттифоқ референдуми нураб қолган иттифоқни қутқариш мақсадида халқларга зўрлик билан тиқиштирилган эди.

Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари учинчи сессиясида Россия Федерацияси Давлат Думасининг ақл бовар қилмайдиган қарорига Узбекистон Республикасининг муносабатини баён қилиб берди. Биз ҳеч қачон орқага қайтмаймиз, деди Президент, бизнинг йўлимиз тўғри, бу йўл мустақиллик йўлидир, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этиш йўлидир, миллати ва диний эътиқодидан қатъий назар Узбекистоннинг барча фуқаролари учун муносиб турмуш, меҳнат шароити яратиш йўлидир.

Биз — «Ғаллакор», хўжалигининг деҳқонлари фидокорона меҳнатимиз, ҳамкору ҳамжиҳатлигимиз билан мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаб Россия Думасининг ақлга тўғри келмайдиган қарорига зарба берамиз.

Мамлакатимизда ғалла мустақиллигига эришиш йўлида илдам қадамлар қўйилаётганлиги мустақиллигимизнинг яна бир ютуғидир. Ўтган йили бригадамиз жамоаси билан сидқидил меҳнат қилиб, ҳар гектар ердан 45 центнердан бошоқли дон олишга эришдик. Бизнинг шароитда биринчи маротаба ана шундай кўрсаткичга эришилди. Деҳқонларимиз Узбекистон танлаб олган йўлга содиқ эканликларини амалда исботлашмоқда. Бу йил туман бўйича 72 минг тонна бошоқли дон етиштирилиши керак. Давлатга 30 минг тонна пахта топширилади. Бултур гектаридан 36 центнердан бўғдой олишга эришган «Чим», «Ғиштли» хўжаликлари уста ғаллакорларининг тажрибалари оммалаштирилди. Тўғри, ҳозирча муаммолар кўп. Ҳукуматимиз қишлоқни ривожлантириш учун ҳеч нарсани аямаётганлигини яхши ҳис қиляпмиз. Ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилалар мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олинган. Жорий йилнинг ўтган икки ойи ичида 3.215 та кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Қишлоқларимизда маданий-маиший хизмат нуқталари кўпаймоқда. Ҳозир жами 33 та сартарошхона, 42 та пойафзал устахонаси, 10 та кийим-кечак тикиш цехлари, 9 та радио-телевизор тузатиш, соатсозлик, темирчилик устахоналари мавжуд. Таъкидлашларича шу йилнинг ўзида маиший хизмат нуқталари 420 тадан ошади. Бундан ташқари 17 та клуб мавжуд. Уларда 60 га яқин тўгараклар фаолият юритаяпти. Бироқ Чим, Лангар қишлоқларида маданий-маиший ишларни жонлантириш учун ҳали кўп иш қилиш керак.

Давлатимиз раҳбарлари спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётганликлари яхши бўлаяпти. Яқинда спортчимиз Бахриддин Эргашев оғир атлетика бўйича республика мусобақаси ғолиби бўлди. У Узбекистон терма жамоаси сафига қабул қилинди. Буларнинг ҳаммаси кишиларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаяпти.

Хуллас, яхши ишлаб, юрт бойлигига бойлик қўшиб ўзимиз ҳам кам бўлаётганимиз йўқ. Қаранг, етмиш йил ичида деҳқон ерга зор бўлиб яшади. Президентимизнинг ҳаётбахш фармони туфайлигина у томорқали бўлди. Шу томорқа ризқ-рузимизни бутун қилди. Шунинг учун чин дилдан ният қиламан: мустақиллигимиз абадий бўлсин, зўравонлик мафкурасига қайтишдан Худонинг ўзи асрасин!

ЗЎРАВОНЛИК МАФКУРАСИДАН ХУДО АСРАСИН

Ражаб РЎЗИЕВ,
ғаллакор

ЯҚДИЛ ХУЛОСА

Россия Давлат Думасининг 1996 йил 15 март куни Беловеж битимларини бекор қилиш ҳақида коммунистлар ташаббуси билан қабул қилган қарорини қаттиқ қоралаймиз. Бу собиқ СССРни, коммунистик мафкурани қайта тиклашга ҳамда халқимиз томонидан қатъий рад этилган тоталитар тузум, эски ақидаларга қайтишга даъват этишдан бошқа нарса эмас. Давлат Думасининг мазкур карори мустақиллик йўлидан комил ишонч билан бораётган Ўзбекистон учун ҳеч қандай алоқаси йўқ. Узбекистон ўзи танлаган йўлидан қайтмайди.

Сухбатдош:
Мирғиёс ҚАЮМОВ.

ШАРТНОМАНИ БАЖАРГАНГА МУКОФОТ

Наманган вилояти «Ғўшт-сутсаноати» давлат-акционерлик бирлашмасида хўжаликларга хизмат кўрсатиш жамоа чорвадорларининг истак ва таклифларини ҳисобга олиб, маҳсулотга ҳақ тўлаш шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда олиб борилмоқда. Айни пайтда хўжаликларда етиштирилган бир килограмм сут 8 сўм, тирик вазндаги ғўшт 29 сўмдан қабул қилинаяпти. Бирлашма таркибига кирувчи корхоналар иш юритиш усулини ҳиссадорлик жамияти асосида ташкил қилишган. Шулардан бири «Садоқат» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жорий йилда хўжаликлар билан 6033 тонна тирик вазндаги ғўшт олиш бўйича шартнома тузди. Жорий йилнинг икки ойида 418 тонна маҳсулот топширилди. Шартномада кўзда тутилганидек, тайёрловчилар молларни ўз транспортида хўжаликлардан олиб келишмоқда.

Хўжаликлардан сутни эса «Нафосат» ҳиссадорлик комбинати қабул қилиб оляпти. Корхонанинг тўққизта туманда маҳсулотни қабул қилиб олиш пунктлари ишлаб турибди. Улар бир кеча-кундузда 75 тоннагача сутни қайта ишлаш қувватига эга. Айни пайтда бу ерда кунига 50 тонна сут қайта ишланяпти. Жорий йилда хўжаликлар билан тузилган шартномага кўра 35 минг тонна сут қабул қилиб олиниши керак. Деҳқон (фермер) хўжаликлари билан битим тузиш давом этмоқда. Шу боис ялпи маҳсулот қабул қилиб олишни кўпайтириш мўлжалланяпти.

— Ишимизда муаммолар кўп, — дейди бирлашма бошлиғи Аюбхон Собиров. — Шулардан бири маҳсулотга олдиндан пул тўлашдир. Лекин бунинг учун корхоналарнинг ҳисоб-рақамларида кўпроқ маблағ бўлиши зарур. Аммо ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида, табиийки, бундай катта даромадга эришиш қийин. Яқинда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни янада кўпайтириш, хўжаликларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, истеъмол бозорини тўлдириш мақсадида шартнома бандларини бажарган туман ва хўжаликлар учун мукофот ташкил қилинди. Бунинг учун 400 минг сўм ажратилди. Табиийки, мазкур тадбир маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга хизмат қилади. Тармоқда иш юритиш давр талабларини ҳисобга олган ҳолда ўзгариб бормоқда. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари дастурилламалдир. Мулкчилик шакли вужудга келаётганлиги сабабли одамларнинг ишга муносабати хайрли томонга ўзгараяпти. Айни пайтда 65 та ферма ҳиссадорлик асосида ишлаяпти. 55 та ферма эса ўтган йили тадбиркорларга сотилиб, хусусий қилиб берилди. Мазкур жамоаларда маҳсулот етиштириш кўпаймоқда.

— Тармоққа вилоят ҳокимлиги алоҳида эътибор бераётганлиги туфайли ишимизда барака бўлаяпти, — дейди вилоят агросаноат уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Зокиржон Мамажонов. — Энг муҳими, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришишдир. Бу борада «Ғўштсутсаноати» бирлашмаси ишини янада такомиллаштириш, шартномаларни изчил бажариш зарур. Ана шунда чорвадорларнинг аҳволи янада яхшиланади, маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаяди.

Ҳ. КАРИМОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

МАСЛАҚДОШЛАР

Уларнинг якдиллиги туфайли Чиноз пахта тозалаш заводи равнақ топаяпти.

Чиноз пахта тозалаш заводи нафақат Тошкент вилоятидаги, балки республикада ҳам тармоқнинг кўҳна, йирик корхоналаридан бири ҳисобланади. Қарийб бир асрга тенг ўтган даврда бу корхонага кўплар раҳбарлик қилишди. Уларнинг ҳар бири қобилиятига яраша етакчилик қилиб, корхонанинг камолотига ўз улушини қўшди. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат жамоаси ишончини оқлашга баҳоли қудрат интилиб, амалга оширилган тадбирлар билан ўзига хос из, таассурот қолдирди. Раҳбар омилкор бўлса, бу корхонага ҳам, меҳнат жамоасига ҳам манфаатли эканлигини Чиноз пахта тозалаш заводи мисолида яққол кўриш мумкин. Бозор муносабатлари энди қарор топиб бораётган 1993 йили бу завод жамоасига Эркин Йўлдошев раҳбарлик қила бошлади.

Ижтимоий ҳаётимиз юз тутган янгиланишлар ишчи-хизматчиларда ҳадик ва шубҳалар уйғотганди. Узини-ўзи маблағ билан таъминламаган боқиманда корхоналар ёпиб қўйиларкан, деган гап-сўзлар одамлар руҳиятига таъсир этмай қолмасди. Бозор иқтисодиёти айримлар таърифлагандек шафқатсиз эмаслигини, шароитга мослашиб, ҳалол меҳнат қилиш, қийинчиликлардан чўчимаслик зарурлигини жамоага тушунтириш янги директор Эркин Йўлдошевич зиммасига тушди. У илк қадамни меҳнат интизомини мустаҳкамлашдан бошлади. Жамоа куч-ғайратини шу кун талабларига ҳамоҳанг бунёдкорлик ишларига руҳлантиролди. Бирон киши ишдан кетмади. Техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳам бажарилмай қолмади. Бугун Чиноз пахта тозалаш заводи «Узпахтасаноатсотиш» уюшмаси тармоғида намунали корхоналардан бири ҳисобланади. Бир сўз билан айттанда, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилганлиги ҳамма муваффақиятларга йўл очди.

Завод йилига тумандаги 14 та катта-кичик хўжаликларнинг 45-48 минг тонна атрофидаги пахта ном ашёсини қабул қилиб олиб, қайта ишлайди. Унинг жойларда 3 та қабул шохобчалари бор. Жамоада 530 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг фидокорона меҳнати, изланишлари билан ишлаб чиқарилаётган сифатли тола Европа ва Осиёдаги йигирмадан зиёд мамлакатларга жўнатилади.

Кейинги йилларда бошқа хўжаликдаги каби Чинозда ҳам ғалла майдонлари сезиларли кенгайтирилди. Бу ўз навбатида пахта тозалаш заводидаги иш ҳажмини бирмунча камайтирди. Ризқини корхонадан топиб келаётган ишчи-хизматчиларнинг ҳаммасини иш билан таъминлашда қийинчилик вужудга келди. Ортиқча кучларни ишдан бўшатиш масалани ҳал қилишнинг энг осон йўли эди. Аммо директор бу жўн йўлдан бормади. Астойдил бел боғлаб, имконият излашга киришди ва янги иш ўринларини очишга эришди. Хайрли ишларнинг дебочаси сифатида кийим-кечаклар учун резина ишлаб чиқариш цехининг фойдаланишга топширилганлигини айтиб ўтиш кифоя. Ҳозирча бу ерда 15 нафардан зиёд хотин-қиз меҳнат қилишмоқда. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотга талаб катта. Тикув-тўқиш корхоналаридан узлуксиз буюртмалар тушмоқда. Маҳсулотлар шартнома асосида уларга жўнатилаяпти. Корхона раҳбари янги иш ўринларини очиш бўйича саъй-ҳаракатларини бир зумга ҳам бўшаштиргани йўқ.

Маълумки, пахта терими пайтида хўжаликларга кўплаб этаклар, корхонада эса чигитни солиш учун қоп зурур бўлади. Мазкур масаланинг ечимини топиш учун янги тикув цехини ташкил қилишга тўғри келди. Алоҳида хона ажратилиб, тикув машиналари келтирилди. Натижада бу ерда йигирма нафардан зиёд хотин-қиз меҳнат қиладиган қўшимча ишхона пайдо бўлди. Ўтган йили мазкур тикув цехи район хўжаликларига бир неча минг дона этак тикиб тарқатди. Айни вақтда чигит учун қоп тикилмоқда. Эндиликда қоп излашга ёки уни четдан келтиришга зарурат қолмади. Маҳсулот учун хом ашё Тошкент тўқимачилик комбинатидан шартнома асосида олинмоқда.

Чиноз пахта тозалаш заводи жамоаси кичик ва қўшма корхоналар очишда хорижий мутахассислар, сармоядорлар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйдилар. Хитойлик шериклар иштирокида бошланган улкан режалар муваффақиятли амалга оширилди. Ҳалемай корхона ҳудудида ғўзапоядан ДВП ишлаб чиқарадиган йирик қўшма корхона фойдаланишга топширилади. Чиноз пахта тозалаш заводи мутасаддилик қилган ушбу корхонанинг ишга туширилиши район меҳнаткашлари ҳаётида муҳим воқеа бўлади. Афзаллик томони шундаки, хом ашё изланишнинг ҳожати йўқ. Маҳсулот шу атрофдаги ғўзапоядан ишлаб чиқарилади. Қўшма корхонада юз нафардан ортиқ киши қуним топади. Келажакда бу корхона миллионлаб соф фойда келтиради. «Узпахтасаноатсотиш» уюшмаси бошқарувчи раиси Эрқул Зикриёев бугун қурилиш давомида бош-қош бўлиб, барча масалаларнинг ўз вақтида ҳал этилишига яқиндан ёрдам берганлиги туфайли қўшма корхонани қисқа муддатда барпо этиш имконияти вужудга келди.

Корхона нафақат янги иш ўринларини очиш, иқтисодий ислоҳотларни изчил давом эттиришда, балки узининг асосий юмуши ҳисобланган пахтани қайта ишлашда ҳам пешқадам. Шартномага мувофиқ хўжаликлар учун етарли миқдорда сара уруглик тайёрлаб жўнатилди. Ҳозирга қадар 1995 йил ҳосилидан 18 минг тонна пахта ном ашёси қайта ишланди. Бу ибратли фаолият замирида албатта Эркин Йўлдошевнинг ташкилотчилиги мужассам бўлиб, ўзига хос тадбиркорлиги бош омил бўлмоқда.

— Жамоамизда узоқ йиллардан буён ҳалол меҳнат қилиб келаётган ажойиб инсонлар кўп. Мен улар билан бирга ишлаётганимдан, шундай кишилар орасида эканлигимдан фахрланаман, — дейди корхона раҳбари.

Дарҳақиқат, яхши кишилар, мақсади эзгу одамлар инсонга ҳамиша қўш қанот, ҳамкору ҳамфикрдирлар. Заводда бундайлар кўпчиликни ташкил этади. Созловчилар Қосим Қаландаров, Бахтиёр Маҳаммедов, электрчи Эргаш Бобоёров, бригада бошлиги Тошпўлат Бобоёров ҳамда Раҳим Эргашевлар шулар жумласидандир. Уларнинг қайси бири билан суҳбатлашманг, корхона раҳбари ҳақида яхши сўзларни эшитасиз. Зотан, доно халқимиз камтарга камол деб бежиз айтмаган.

Иброҳим ТОШЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ЭРТАГИ САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИНИ ЭКИШ ВА ПАРВАРИШЛАШ

Тавсия

Республикамиздаги сабзавотчилик хўжаликларида баҳор ойларининг дастлабки кунларидан бошлаб сабзавотга ажратилган ерларнинг асосий қисмига оқбош карам, сабзи, пиёз, помидор, ширин қалампир, бодрингнинг эртанги навларини ҳамда редиска ва қўкатларни экиш ишлари амалга оширилади.

Эртанги экинлардан юқори ҳосил етиштириш учун кўчат ва уруғликнинг тупроқ унумдорлиги, майдонларнинг пастбаландлиги, сув, озиқа режимлари каби муҳим шартларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш лозим.

Усимликнинг турли бегона ўтлар, касаллик ва зараркунандалардан зарарланишини камайтириш ҳамда тупроқ унумдорлигидан тўлиқ фойдаланишда энг муҳим тадбирлардан бири сабзавот алмашлаб экиш қоидасига мунтазам амал қилишдир.

Кейинги йилларда қатор сабзавотчилик хўжаликларида экинларни алмашлаб экиш қўлланилмаётгани ёки ҳатто ушбу экин турларини навбатлаб ўстиришга эътибор қилинмаётган оқибатида қўпгина касаллик ва зараркунандалар кенг тарқалиб, ҳосилга катта зарар етказмоқда.

Эртаги муддатда экиш мўлжалланган жойларга кеч кузда керакли миқдорда маҳаллий ва минерал ўғитлар солиниб, 25—28 см чуқурликда ҳайдаб қўйилиши лозим. Жуда эрта экиш режаланган майдонларни эса ҳайдовдан кейин 12—14 см чуқурликда чизеллаб, экин турига мос равишда эгатлар олинади. Тайёр эгатларга эрта кўкламда кўчатларни экиш, баҳорда эгат олинган ерларга нисбатан ҳосили 13—15 кун олдин етилади. Ҳосилдорлик 15—20 фоиз ортади.

Бу йил утган йилларга нисбатан салқин ва серёғин булаётгани кўчатларни экиш ишлари кечикишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун иссиқхоналардаги ниҳолларнинг ўсиб кетишининг олдини олиш мақсадида уларни сугориши тухтатиш лозим. Иссиқхона ҳаво ҳароратини паст ҳолда сақлаб, кўчатларни ташқи муҳит шароитига мослаб чиниқтириш керак. Бунда аввал эшик ва дарчалар, сунг иссиқхона ён томонидаги плёнка очилади.

Ер етилиб, экиш имконияти бўлган кунларнинг ҳар бир соатидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Иш жадал суръатда ташкил этилмаса, кўчатлар ўсиб, экишга ярамай қолиши мумкин.

Оқбош кўчатларини жойлаштириш асосан СКНБ-4А русумли экиш мосламасида, кунлар серёғин келса, қўлда бажарилади. 4—5 талан чинбарги бўлган, узунлиги 15—17 сантиметрли кўчатлар ўтказилади. Қадаш 70х25(30) см усулда ташкил этилади. Жанубий вилоятларда эса 60х30 см тизимни қўллаган маъқул. Экиб бўолингач майдонларни ҳаво шароитини ҳисобга олиб кетма-кет қондириб сугориш ўсимликнинг тўлиқ тутиб олишини таъминлайди.

Орадан 14—16 кун ўтказиб, уларга КРН-2,8А юмшатгичи ёрдамида 13—15 см чуқурликда биринчи ишлов берилади. Ишлов бериш билан бирга лозим бўлган маданий ўғитлар йиллик миқдорининг 50 фоизи солиниб озиқлантирилади, кейин экинлар қондириб сугорилади.

Иккинчи озиқлантириш карам бош ураш даврида йиллик азот ва калий ўғитининг 50 фоизи миқдорида берилади. Чунки ушбу даврда карамнинг азот ҳамда калий ўғитларига талаби юқори бўлади. Бўз тупроқли, сизот сувлари чуқур жойлашган майдонларга экилган эртаги оқбош қарамни ўсув даврида 500-550 куб метр меъёрда 7—8 маротаба, сизот сувлари юза жойлашган ўтлоқли тупроқларда эса 5—6 маротаба сугориш тавсия этилади.

Сабзи ҳамда пиёз каби асосий сабзавот уруғини эртаги муддатда экиш марказий минтақада жойлашган вилоятларда март ойининг (оби-ҳаво шароитига кўра) 1—2 кунлиги даврида амалга оширилади. Сабзи ва пиёз уруғлари асосан СКОН-4,2 мосламаси ёрдамида 1,5—2 см чуқурликда экилади. Бир гектар майдон ҳисобига уруғ сарфи меъёри сабзи учун 5—6 килограмм, пиёз учун эса 16 килограммни ташкил этади. Экиш тугаллангач, қондириб сугориш лозим.

Сабзи ҳамда пиёз уруғлари тўлиқ униб чиққач, 1—2 маротаба яганаланади. Бегона ўтлари 2—3 маротаба тозаланади. Қатор ораларидаги бегона ўтларни йўқотиш учун КРН-4,2 юмшатгичида 15—16 см чуқурликда иккиучи марта ишлов берилади. Сабзини ўғитлашда режаланган ҳосил миқдорининг ҳар бир тоннаси учун эса: 7,3 кг азот, 5,4 кг фосфор ва 2,8 кг калий, пиёз учун эса: 10,6 кг азот, 7,3 кг фосфор ҳамда 3,6 кг ҳисобида калий ўғитларини солиш лозим.

Эртанги сабзининг ўсув даврида гектарига 400—500 куб метр меъёрида 6—8 маротаба сув таралади. Пиёзни эса сизот сувлари чуқур жойлашган майдонларда пиёзчалар ҳосил бўладиган давргача гектарига 400—500 куб метр, пиёзчалар ҳосил бўлиш палласида 500—600 куб метр сув билан 18—20 маротаба сугорилади. Сабзи ҳосили апрель-май ойларида, пиёз август ойи охирлари, сентябрь бошларида пишиб етилади ва йиғиштириб олинади.

Маълумки, помидор, ширин қалампир ҳамда бақлажон каби асосий сабзавот экинларни очиқ майдонларга экиш ҳам кўчатлари орқали амалга оширилади Сифатли кўчат тайёрлашда уруғликнинг аҳамияти катта. Асосан униб чиқиш қобилияти юқори, бегона навлар аралашмасидан ҳоли, сифатида кўра биринчи туркумга мансуб бўлган уруғларни экиш мақсадга мувофиқ.

Уруғларни экишни олдин олдий усулда саралаб олиш мумкин. Бу кўчат тўлиқ униб чиқишини таъмин этади. Саралаш учун сарфланадиган уруғ миқдорига мос идишда 3—5 фоизлик ош тузи эритмаси тайёрланиб, унга алоҳида-алоҳида помидор, ширин қалампир ва бақлажон уруғлари 30 дақиқа солиб қўйилади. Бунда пуч ва сифатсиз уруғлар эритма юзасига чиқади. Сифатли, тўқ уруғлар эса пастга чўкади. Эритма юзасидаги пуч уруғлар олиб ташланиб, қолган уруғларни 2—3 маротаба тоза сув билан чайиб қуритилади.

Саралаб олинган уруғларни экиш олдидан турли вирус касалликларига қарши термик ишловдан ўтказиш лозим. Бунинг учун уруғлар халтачаларга солиниб, уларни термостатда ёки қуритиш шкафларида аввал икки сутка давомида 50—52 даража иссиқликда ва бир сутка 80 даража иссиқликда қиздириш керак.

Помидор, ширин қалампир ҳамда бақлажон каби сабзавотнинг эртаги ва ўртаги нав кўчатларини тайёрлаш учун уруғ сепиш ишлари марказий минтақадаги сабзавотчилик хўжаликларида бажарилади. Жанубий вилоятларда эса бундан 18—20 кун олдинроқ, шимолий вилоятларда 15—18 кун кейинроқ амалга оширилади. Кўчат тайёрлаш 60—65 кун давом этади. Тайёр кўчатларни очиқ майдонларга экиш Тошкент, Сирдарё, Самарқанд каби вилоятларда апрель ойининг 10—25-кунлари оралиғида, жанубий вилоятларда ушбу муддатлардан 13—15 кун олдинроқ ва шимолий вилоятларда эса 18—20 кун кечроқ ўтказилади.

Кўчат тайёрлашга имкони бўлмаган хўжаликларда помидорнинг Восток-36, Прогрессивний-202, Узбекистон-178, Узмаш, ТМК ва Волгоград 5/95 нав уруғларини тўғридан-тўғри очиқ майдонга қадаб етиштириш мумкин. Помидорни кўчатсиз уруғи орқали экиб етиштиришда карам, саримсоқ, пиёз экинлари ҳамда бодрингдан бўшаган майдонларга эккан маъқул. Тупроқни сифатли тайёрлаш, текис ва кам қия майдонларни танлаш зарур.

Помидор уруғи экиш режаланган майдонларга кўз ойларида ҳар гектар майдон ҳисобига 20—30 тонна гўнг, 100—150 кг фосфорли ўғит, 80—100 кг калий ўғити солиниб ҳайдаб қўйилади.

Уруғларни экишдан олдин бегона ўтларга қарши гектарига 3—4 килограмм трефлан, 5—6 килограмм ромрод, 4 килограмм нитрофор ёки 0,15—0,75 килограмм зенкор каби гербицидларни 400—600 литр сувда эритиб, иштангаси горизонтал ўрнатилган ПОУ, ОТН-8 пуркагичларида майдонларга пуркалади. Помидор уруғларини экишдан олдин дражирлаб, (гулаклаб) яъни гўнг чириндиси, вермигум, биогумус, микроэлементлар ва стимуляторлар аралаштирилиб ҳажмини катталаштириб олиш лозим. Дражирлаш ДР-5 дражираторида амалга оширилиб, уруғларнинг катталиги 3—3,5 мм.га етказилади. Бу эса сийраклаб, бир текис экиш имконини беради.

Мамлакатимизнинг марказий ҳудудида жойлашган вилоятларда помидор уруғларини очиқ майдонларга экишнинг қулай муддати март ойининг III ва апрелнинг биринчи ўн кунлиги ҳисобланади. Жанубий вилоятларда 15—17 кун олдинроқ, шимолий вилоятларда эса 18—20 кун кечроқ амалга оширилади. Уруғларни қадаш муддати об-ҳаво шароитига қараб ўзгариши мумкин.

Помидор уруғларини СКОН-4,2, СОН-2,8 ёки СНУ-6 каби мосламаларда бир текис экиб олиш мумкин. Бу даврда узлуксиз ёғингарчилик бўлса, уруғни қўлда экиш лозим. Уруғни 4 сантиметр чуқурликка солиш керак. Агар уруғ ерга чуқурроқ тушса, унинг униб чиқиш фоизи ва ҳосилдорлиги камаяди. Курсатилган чуқурликдан юза тушса ернинг устки қатламида нам етишмаслиги сабабли сийрак чиқади. Помидор уруғини экиш меъёри бир гектар майдон ҳисобига 2,5—3 килограмм, дражирланган уруғ билан экишда эса 8—10 килограмм сарфланади.

М. ҚОРАБОЕВ,
Сабзавот, полиз ва картошкачилик илмий-текшириш институти технология лабораторияси мудири.

●Ислоҳот — инсон хизматида

ТАҲЛИЛ НИМАНИ КЎРСАТДИ?

«Узмевасабзавотузумсаноат» республика уюшмасида иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, 1995 йил якунлари ва жорий йилда олдида турган вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тармоқнинг етакчи раҳбару мутахассислари, соҳанинг масъул ходимлари иштирок этишди.

Уюшма раиси Б. Н. Носиров «Узмевасабзавотузумсаноат» тизимидаги корхона ва хўжаликларнинг 1995 йилдаги фаолиятига тўхталиб, ўтган йили бир миллион тоннадан кўпроқ ҳўл мева-сабзавот ва узум етиштирилганини таъкидлади. Айниқса Наманган, Андижон, Самарқанд вилояти соҳибкорлари самарали меҳнат қилиб, мевачилик, узумчилик ва сабзавотчиликда дуруст натижага эришдилар. Чунончи, «Андижон» агрофирмасига қарашли «Чулпон» жамоа хўжалиги, ҳар гектар экин майдонидан 407 центнер, «Чортоқ» агрофирмасига қарашли Бобур номли жамоа хўжалиги 365, «Самарқанд» агрофирмасига қарашли «Гулобод» жамоа хўжалиги 453 центнердан сабзавот етиштирганлиги қувончли ҳолдир.

«Тошкент» агрофирмасига қарашли М. Фозилов номли жамоа хўжалигида ҳар гектар токзордан 263 центнердан узум ҳосили йиғиштирилгани ҳам таҳсинга лойиқдир. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Лекин тадбиркорлик билан иш юритиб, мавжуд муаммоларни оқилона бартараф этиш ўрнига турли баҳоналар излаш билан овора раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Натижада улар етакчилик қилаётган хўжаликларда ҳосилдорлик йиллдан-йилга пасайиб кетмоқда. Ахир, «Қашқадарё» агрофирмасида полиз экинлари ҳар гектаридан атиги 26 центнер ҳосил олинганини ёки «Ширин» агрофирмасида 15 центнердан узум ва 9 центнердан мева етиштирилганини қандай изоҳлаш мумкин?

Бу ерни бекорга банд қилиш, ўз-ўзини, эл-юртни алдаш, қолаверса ўта боқибегамлик эмасми?!

Харажатларни камайтириш, таннархини пасайтириш каби бозор иқтисодиётининг таянч тамойиллари ҳам айрим хўжаликларда эътибордан четда қолиб келмоқда. Масалан, Фарғона вилоятидаги «Узумзор» ижара хўжалиги 284 гектар токзорнинг ҳар гектаридан 36 центнердан узум етиштирган, ҳар центнер ҳосил таннархи 296 сўмни ташкил этган ҳолда 163 сўмдан сотилган, яъни ҳар центнер ҳосилдан 133 сўм зарар кўрилган. Хўжалик юритишнинг бундай бесамара усулидан воз кечишни хоҳламаётган, бошқача айтганда, «бўлса бўлар, бўлмаса говлаб кетар» қабилида иш тутишга урганган раҳбарлар, афсуски, оз эмас.

Катта майдонларда деҳқончилик қилишнинг ўзига яраша қийинчилиги бор. Лекин муъжаз иссиқхона шароитида боқибегамликка йўл қўйиладиган кишини ажаблантиради. Жумладан, Жиззах вилоятидаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги иссиқхоналарида сабзавот ҳосилдорлиги ҳар квадрат метрга атиги 1,5 килограммга, «Наманган- консерва» агрофирмасига қарашли «Соҳибкор» жамоа хўжалигида ҳар квадрат метрдан помидор ҳосилдорлиги 1,1 килограммга, бодринг эса 650 граммга тўғри келганлигига тоқат қилиш мумкинми? Бу қанча-қанча электр қуввати, зангори олов ва бошқа харажатларни шунчаки қўкка совуриш эмасми?!

Тошширилган ишга лоқайдлик туфайли чорвачиликда ҳам аҳвол қун сайин мураккаблашмоқда. Утган йили тармоқ бўйича гўшт 700 тоннага, сут 11 минг 600 тоннага камайган. Айрим хўжаликлар раҳбарлари фермалар хусусийлаштирилганини баҳона қилиб, чорвачиликка эътиборни сусайтиришгани натижасида қорамоллар сони 12500 бошга, қўй ва эчкилар сони эса 23600 бошга қисқариб кетган. Ем-хашак базасини вужудга келтириш масаласи ҳам ўлда-жўлда бўлиб, аниқ ҳисоб-китоб асосида иш олиб борилмаяпти.

Бу салбий ҳолатлар нимадан далолат беради? Шунданки, раҳбару мутахассисларнинг талайгина қисми ҳануз юқоридан кўрсатма кутиб, кимдир мавжуд муаммоларни ҳал қи-

КЎПЧИЛИК РИЗҚИ

«Диёр» деҳқон хўжалиги ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо довруғи баланд. «Диёр»ни чўл гулига ўхшатиш мумкин. Негаки, Меҳнатободдек шароити оғир туманда гуллаб-яшнамоқда.

Хўжалик 1994 йил кўкламда тузилди. Ғанишер Юнусов номли деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмасида бўлим бошқарувчиси, бош ҳосилот вазифасида ишлаган Ваҳоб Поччаев унинг бошлиғи бўлди. «Диёр»га 350 гектар ер берилди. Унинг ҳозирда бўлимлар ўрнида ташкил этилган деҳқон хўжаликларидан кескин фарқ қиладиган жиҳати шуки, у том маънода мустақил: барча олди-берди жараёнларини ўзи мустақил ҳал этади. Муҳими, юқоридан буйруқ кутилмайди. Бошқарув тизими ихчам. Аввал 10 киши ишлаган бўлса, энди бу вазифани 4 киши уддаламоқда.

Раҳбар деҳқон хўжалигини катта рўзғорга қиёслайди. Чунки «Диёр» ерларида оз эмас — 280 жоннинг ризқи бор. Ҳосил мўл бўлса аъзоларнинг насибаси бутун. Қолаверса, деҳқон хўжалиги давлатники эмас, шу жамоанинг ўзиники. Шу боис меҳнатга муносабат атроф хўжаликларидагидан тубдан фарқ қилади. Меҳнат самараси ҳам ўзгача: деҳқон хўжалигида дастлабки йилиёқ пахта ҳосилдорлиги қарийб 5 центнерга ошди. Утган йили эса ҳосилдорлик 25 центнерга етди. Бу Меҳнатобод шароитида яхши кўрсаткич, «Диёр»га қўшни бўлимларида пахта тугул ғалладан ҳам дуруст ҳосил олинмади.

Деҳқон хўжалигида ўтган йили пахта толасидан келадиган даромаднинг ўзиёқ 4 миллион сўмдан ошди. Боз устига, ҳали тўлиқ ҳисоб-китоб қилинмаган 1994 йилдаги 50 тонна толанинг пули ҳам бор. Поччаев деҳқон хўжалигини янаям бойитиш мумкин, қачонки сотган маҳсулотимизнинг пулини ўз вақтида олсак, дейди.

Деҳқон хўжалигида тежамкорликка изчил риоя этишади. Бунда етакчининг ўзи ҳаммага ибрат. У бир йўла тўрт вазифани бажаради: раис, ҳосилот, хазинабон ва экспедитор. Аммо машини фақат раҳбарлиги учун бўлди. «Диёр» ёнилғи-мойлаш материалларидан тортиб сувдан фойдаланишгача тежамкорлик тартиби устивор. Жумладан, экин майдонига ҳадеб трактор киритилавермайди. Жумладан шудгор жараёнида трактор ҳам ер ҳайдайди, ҳам жўяк тортиб кетади. Чизелга ўрнатилган кескирлар эса тупроқнинг ҳийла чуқур қатламида ниш уриб турган утларни қирқади. Натижада бегона ўтлар ғўза билан бир вақтда эмас, кечроқ чиқади. Унгача ғўза ниҳоллари бўй курсатишга улгуради. Хўллас, бегона ўтни йўқотишдаги меҳнат сарфи камаяди. Гипсли ерларда ғўза қатор ораларига ишлов беришдан кўра эгатларни чуқур юмшатиш фойдали эканлиги «Диёр» тажрибасида яққол кўринди. Жўяклар камида уч марта чуқур юмшатилди. Ғўза илдизининг гипс қатламидан ўтиши осонлашади. Экиннинг озиқланиши учун етарли шароит яратилади.

— Айниқса, вақтдан унумли фойдаланиш муҳимдир, — дейди Поччаев. — Жамоамизда бу борада қатъий тартибингизом ўрнатилган. Деҳқонларимиз иш қайнаган паллада далага барвақт чиқишади. Белгиланган топшириқни бажаришгач, ўз юмушлари билан шуғулланишади. Раҳбар сифатида қўпроқ жамоа билан бирга бўлишни жуда-жуда истайману аммо кўп вақтим югур-югурга кетади. Ҳамма жойда қўш-қўллаб, очиқ юз билан кутиб олишавермайди. Баъзи идораларда ишни битираман деб кун буйи ўтирасиз. Майли, булар ҳам вақти келиб барҳам топар.

Бизни ниҳоятда хушнуд этган янгилик — давлат буюртмаси ғалланинг 50 фоиз, пахтанинг 60 фоизи миқдорида қилиб белгиланишидир. Бу эса моддий манфаатдорликни ошириб, хўжаликлар зиммасидаги масъулиятни кучайтиради. Режани ошириб бажаришга ундайди. Эл фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Меҳнатободда боғ яратиш осон эмас, «Диёр»нинг 14 гектар янги олмазори бор. Бу йил боғ ҳосил беради. Ҳадемай деҳқон хўжалиги аъзоларинг иморатлари ўзлари ўстираётган тераклар ҳисобига қурилади... Поччаев хайрли ишларнинг бошини тутаётир. Мактабни оталиққа олиш, кўчаларни асфальтлаш савоб ишларининг дебочаси.

Яна бир гап. Деҳқон хўжалиги раҳбарининг шинам илорасига ташриф буюраётганлар тобора кўпайиб бормоқда. Улар қўлида тутган қоғозда шундай ёзувлар битилган: «Илтимос, «Диёр» деҳқон хўжалигига ишга қабул қилсангиз».

А. ШЕРНАЗАРОВ,
Э. ТЎЛАГАНОВ.

РИШТОН МЕБЕЛСОЗЛАРИ

Орзуга айб йўқ, излаган имкон топади, Мирзакарим Нурматов Тошкент политехника институтининг ёғочни қайта ишлаш факультетида ўқиб юрган чоғларидаёқ дилида ўзи туғилиб ўсган Бўстон қишлоғида мебель корхонасини қуриш орзуси чечак отганди. Чунки, шаҳар ва туман марказидан анча олисда бўлган бу қишлоқда маданий-маиший хизмат шаҳобчалари йўқ эди. Мирзакарим ўқишни битиргач, Тошкент мебель фабрикасида муҳандис бўлиб ишлаш билан бирга ўз қишлоғи муаммоларини ҳам унутмади. Мустақиллик шарофати билан тадбиркорликка йўл очилгач, изланишлари самарасиз кетмади, ҳаҳлдор вазирликлар Бўстон қишлоғида фабрика қуришга рухсат этдилар. Қурилиш салкам уч йил давом этди. Бўстон тарихида биринчи маротаба қуп қавватли, ҳашаматли бинолар қад кўтарди. Унинг хайрли фаолиятини тушунмаганлар ҳам бўлди. Лекин Мирзакаримдаги ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, яратувчанлик ҳислатлари уларнинг гап-сўзларидан устун келди. Янги фабрикаларнинг қуркам бинолари қад ростлаб қишлоқ ҳусни жамолини очиб юборди. Тадбиркор корхонага пойдевор қўйилган кунданоқ кадрлар муаммосини ҳал этишга киришди. Қишлоқда мебелсозликка ҳавасмандлар кўп эди. Ихлосманд йигит-қизларни дурадгорлик касбига ўзи ўргатди, қўшни вилоятлардаги корхоналарга тажриба ўрганишга юборди. Шу тариқа қишлоқда мебелсозларнинг янги авлоди пайдо бўлди. Янги корхонага 250 нафар ёш ишга жойлашди.

Дастлабки йили ёғоч материлларининг етишмаслиги, кадрларнинг малакасизлиги туфайли қийинчиликлар бўлди. Аммо, тадбиркор қийинчиликлардан чўчимаслан, корхонани тўлиқ қувват билан ишлатиш йўлларини изларди. Элак сўрашга ҳам укув керак, дейдилар, Мирзакарим Ставрополь, Оренбург, Томск мебелсозлари билан алоқа боғлади. Италянча ёғочни қайта ишлаш ва пардозлаш, бўяш дастгоҳларини тоғиб келди. Ёш дурадгорларни бу янги техникаларни ўзлаштириб олишига қумаклашди, тажрибаларини ўргатди. Шу тариқа 1995 йил корхона тўла қувватда ишлай бошлади. Айни чоғда фабрика ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди, жамоада ҳамма нарса ўзимизники, деган ҳисиёт вужудга келди. Бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг турларини қўпайтиришга, сифатини тубдан яхшилашга йўл очди. Қўли гул усталар қўлидан чиққан хилма-хил мебелларни харидорлар севиб харид қиладилар. Келин-қуёвларга атаб чиқарилаётган юмшоқ мебеллар намунаси, икки ва бир ўринли юмшоқ кравотлар, безакли стул-столлар, сервант, трюмо, китоб жавонлари ақолига манзур бўлмоқда. Хуллас, корхона жамоасининг 16 турдаги чиройли, нафис, бежирим мебеллари қишлоқ хонадонларига файз, нафосат олиб кирмоқда.

Қишини қувонтирадиган бир томони Риштон мебеллари хорижда ҳам ўз харидорларини топмоқда. Ҳозир фабриканинг Томск шаҳрида фирма магазини очилган, у ерда сотилаётган мебеллар пулига фабрика учун зарур ёғочтахталар олиб келинмоқда. Ҳунармандлар маҳсулот турларини қўпайтириш ва сифатининг янада харидоргир бўлиши учун тинмай изланмоқдалар. Италиянинг «Чилтил» фирмаси билан алоқа ўрнатилди. Мақсад уларнинг мебель ишлаб чиқариш технологиясини ўрганиб, андоза олишдан иборат. Италия фирмасининг тажрибаси ўқув қўлланмалари ва реклама материаллари орқали ўрганилмоқда. Корхона вакиллари «Чилтил» фирмасига бориб, уларнинг тажрибаларини ўрганиб қайтишди.

Корхонада ўз касбига меҳр қўйган, қалбида ғайрат-шижоат жўш ураётган қишлоқ ёшлари меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг бор кучи ва маҳоратларини ишга солишлари учун фабрикада имкониятлар мавжуд. Цех хоналари ёруғ, шинам, ишчиларга бепул иссиқ овқат, сут-қатиқ берилади, маошларини вақтида олиб турадилар. Утган йили меҳнат илғорларини рағбатлантириш учун 170 минг сўм миқдорида мукофот пули тарқатилди.

Ишлаб чиқараётган мебелларнинг сифатини жаҳон андозалари талаблари даражасига кўтариш учун пардозлаш устаси Тоғиржон Раҳимов, янги нусхадаги мебеллар устаси Шавкат Иброҳимов, катта уста Луқмонжон Худойбердиев, уста Олимжон Толибжонов, юмшоқ мебеллар бригадири Валижон Амиров, йиғув цехи устаси Мирзаали Нурматов филойилик курсатмоқдалар. Бўяш, безаш цехларида қишлоқ қизларининг жўшиб меҳнат қилаётгани янада қувончлидир. Матолар бичувчи-тиқувчи Омина Султонова, Мавжуда Муйдинова, бўеқчи Олмахон Эшонқулова, Фотима Раҳматуллаева ўз меҳнатлари билан мебелларга жозиба бахш этмоқдалар. Тажрибали уста Маъруфжон Нурматов ёш дурадгорларга бош-қош бўлиб ҳамиша маҳсулотнинг бежирим, нафис бўлишга эришмоқда. Хуллас, ёғочга ишлов бериб, ундан қуркам маҳсулотлар тайёрлаб, элга манзур этаётган қишлоқ ҳунармандларининг довруғи кун сайин ортиб бормоқда.

— Утган йили режадаги 12 миллион ўрнига 21 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб сотдик. 1996 йили бу кўрсаткичларни 45 миллион сўмга етказиш ниятида астойдил меҳнат қилмоқдамиз. Корхона қурилиш карзларидан қутилган. 1995 йилни 5,2 миллион сўм фойда олиш билан якунладик, — дейди директор Мирзакарим Нурматов. — Фабрикамизда чиқитсиз ишлаш технологияси жорий этилган. Ёғоч-тахта чиқитларидан 150 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Корхона меҳнат аҳли жаҳон бозорида рақобатлашадиган даражада сифатли, чиройли мебеллар ишлаб чиқаришни олдига мақсад қилиб қўйган. Бир азобнинг бир роҳати бор, деганларидек қийинчиликлар ортда қолди, жамоа истиқболли йўлга тушиб олган, рентабеллик 34,6 фоизга кўтарилди. Мен учун энг қувончлиси, ҳам қишлоқларимизнинг кўпчилиги иш билан таъминланди. Рузғорини бемалол тебратмоқда, муҳтожлик йўқ. Бу — истиқлол шарофати.

Раҳимжон МЕЛИБОЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1.Риштон туманн акционерлик мебель фабрикаси йиғув цехининг илғор дурадгорлари Қобилжон Абдазов, Улуғбек Аминжонов. 2. Пардозлаш цехининг қўли гул усталари Ханифахон Раимжонова, Шоҳидахон Турсунова. 3. Моҳир мебелсозлар Зокиржон Мирзаабдуллаев, Муҳаммаджон Қодировлар.

Х.МЕЛИБОЕВ олган суратлар.

МУТАХАССИСЛАР ЎҚУВИ

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят деҳқончилик-саноат уюшмасининг ташаббуси билан қишлоқ хўжалик тармоғидаги мутахассисларнинг беш кунлик ўқуви ташкил этилди. Ўқувга туман ҳокимларининг қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, вилоятдаги барча жамоа ва жамоа-ширкат уюшмалари бошқаруви раислари, шунингдек, қишлоқ хўжалигига алоқадор ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари тақлиф этилдилар.

Вилоят ҳокими О. Д. Пармонов мазкур ўқувнинг бошланиши муносабати билан сўзга чиқди. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Р. Раҳмонов, Р. Насимов, вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси раиси Ш. Сатторов қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Н. Юсупов, бир гуруҳ олимлар беш кун давомида бозор иқтисодиётининг ҳозирги босқичи талабларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳусусида маърузалар қилишди. Ўқувнинг дастлабки кунлари Тошкент иқтисодиёт университети профессори Ш. Зайниддинов «Қишлоқ хўжалик корхоналарида менежмент асослари», Ўзбекистон ғаллачилик илмий-текшириш институти селекция ва уруғчилик бўлими мудири, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди С. Ғайбуллаев «Ғаллачиликда интенсив технологияни жорий қилиш, ғалла мустақиллигига эришиш йўлидаги асосий вазифалар», қишлоқ хўжалиги ва бозор иқтисодиёти институти профессори Р. Ражабов «Хўжаликда фойда ва даромадларни одилона тақсимлашнинг асосий принциплари», республика молия вазирлигининг бўлим бошлиғи Т. Каримов «Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида нарх сиёсати» сингари маърузалари билан чиқдилар. Ўқувда вилоят қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ва бирлашмалари раҳбарлари ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асослари ҳақидаги маърузалари билан қатнашдилар.

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ИККИ ҲОСИЛ

Нормаҳмат Муҳаммадиев асли деҳқончиликда суяги қоттанлардан. Мачай қишлоғидан Музробод туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалигига келганида хўжалик ерлари энди ўзлаштирилаётган эди. Мана шунга ҳам уттиз йилдан ошди. Нормаҳмат ака икки йил аввал хўжалик раҳбарияти билан шартнома тузиб, 20 гектар ерни ижарага олганди. Дастлабки йилдаёқ ижарачилик афзаллиги амалда исботланди.

У бошчилик қилаётган «Алолат» оилавий хўжалик ўтган йили ҳар гектар майдондан 33 центнер ўрнига 42 центнердан ҳосил кўтариб, 350 минг сўм даромад олди.

Иш билганга минг танга, дейишади. Фермер хўжалигининг жорий йилги режалари ҳам чакки эмас. Айни пайтда мавжуд 20 гектар майдонда «Қорақалпоқ» навли серҳосил буғдой майсалари, парваришланаяпти.

— Алмашлаб экиш, ер унумдорлигини оширади, — дейди мирзакор. — Ҳозир барча майдонлар уч мартадан ўғитлантирилиб, сув берилди. Ҳар гектар майдондан 35 — 39 центнердан хирмон кўтариш ниятидамиз. Ғаллани йиғиштириб олгач, пахта экамиз.

Шу кунларда фермер хўжалигида ариқ-зовурлар тозаланиб, далалар маҳаллий ўғит билан тўйинтирилмоқда. Муҳими, ер эгаларига бўлиб берилгач, деҳқонларда мулкка бўлган муносабат, масъулият ортмоқда.

Турғунбой ХОЛБОЕВ.

ДАҲО ШОИР ВАСФИДА

Гул ва баҳор мавзуи Навоийнинг умр бўйи ёзган ғазаллари ва достонларида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Зотан, Ҳақ таоло етук инсонларга баҳорий гўзал ва покиза ҳаётни раво кўради. Бир қитъасида мангу баҳордан дарак берувчи, қишин-ёзин яшил, ҳушқомат сарвини тасвирлар экан, уни доимо эл-юрт дардига дармон бўлишни ўйлаб, шу аъмол билан яшайдиган олийҳиммат инсонларга ўхшатади. Атоқли навоийшунос олим Иброҳим Ҳаққул ёзадики: «Ҳазрат Навоий ҳиммат аҳлининг тўғрилигини сарвга қиёслайдилар. Демак, ҳимматли одамлар борки, бу дунё обод, эзгулик, яхшилик барглари сарғаймайди».

Орада кўпчилик шоирлар баҳорни васф эттанида гулу чаманзорлар гўзаллигини мақтайди. Бу ҳам яхши. Чунки Ҳақ таоло яратган олам гўзаллигини ҳар ким ҳам сезавермайди ва шукрона айтолмайди. Навоий ҳам баҳор чечакларини мақтар экан, фалсафий тафаккур юритиб, ҳаёт ранж-машаққатларига чидам, матонат зарурлигини таъкидлайди.

Ҳар ерда баҳор, ўлса, чаман бўлса керак,
Ҳар ерда чаман, гулу суман бўлса керак.
Ҳар қайда хазон бўлса, тикан бўлса керак,
Ҳар қайда тикан, ранжу миҳан (меҳнат) бўлса керак.

«Лайли ва Мажнун» достонининг XII бобида шоир баҳор фаслини бундай тасвирлайди:

«Қуёш ҳамалдан қутилганда, даштда қўзиқулоқлар (бойчечаклар) униб чиқади, гул шамъининг нури гулшанни тобора равшан қилади. Фалак эса тути (гўзал) бўлиш ҳавасига тушиб, ўз бўйнига ҳайкамалакдан ҳалқа солади. Ё яшил фалак тути бўлиб, ер қуррасини жўжа қилиб очганида, ер юзини тутган майсалар, унинг янги патларига ўхшар эди.. Сариқ гул устига тушган тонг ёмғири олтин табақ ичра тўлдирилган инжуларга ўхшар эди.. Мевали дарахт қумуш гуллар билан безанганида тангаларга қўмилгандек бўларди. Чинорнинг ичдан қуйиши ҳам қўлида гул тангаларининг йўқлигидандир. Тоғ бағрида сел булути эмас, балки тошлар ҳам Фарҳод фироғидан ёш тўкадилар (тошлар орасидан сув - жилғалар чиқади). Лола ғунчаси лаъл (жавоҳир) қутичасига ўхшайди, очилганлари эса алвон (тўқ қизил) лаълдир... Сув ичидаги ғунафша ҳар замон турна бошидек қуринади. Ёхуд ғунчалар қулар экан, даврон тоши уларнинг оғзини қонатади.. Бинафша димоғини даволаш учун унга шабнам томизиб турилади. Чаманга ёғилган шудринг кўкнор гули япроғига кўкнор доналаридек доғлар сепарди. Қушчалар ҳам жуфти билан жўшиб, бирга учишар ва дарахтларга ёнма-ён қунарди. Япроқлар дарахтларга либос, қушлар хилват маъво бўлур эди...»

Достонда шоир мактаб қизалоғи Лайлини гуллар ичида бир гул деб тасвирлайди. «Бу чаман гулларининг бир-бирига чирмашиб кетганлиги ишқ аҳлига васл пардаси бўларди. Очилган гулдек Лайли гулзор ичига киргач, тиканзор ичида булбули зорини кўрди. У ерга ғамли Қайс кирган ва гул каби ёқаларини чок қилиб, ўз ҳолига зор-зор ва бесабру беқарор йиғларди.

Лайли ошиқи зорини қайғу-ғам билан мажолсиз турганини кўриб, уни дил сўзлари билан юпатади:

Бу дамки эсиб, насими Наврўз,
Гул атрини қилди мажлисафрўз.
Боғ ўйди баҳордин гулафшон,
Сунбул бу гул узра коқулафшон.

Бу фаслда (одам) азми гулшан этгай,
Бўстон ҳарамини (қасрини) маскан этгай,
Бор онинг учунки шод бўлғай,
Ҳар бандига бир қушод бўлғай.

Яъни, Наврўз фаслида олам яшнаб кетганини кўриб, гулшанларда сайр қилган одамлар ўзларининг бу оламда борлиги учун шодланиб, Аллоҳ таолога шукроналар айтадилар. Аммо ... ишқининг манбаи, сабабкорисиз Қайсга бу олам қоронгу.

Шу тариқа Даҳо шоир баҳор гуллари, чаманзорларини руҳий олам гуллари ва изтиробларига пайваста қилиб тасвирлайди. Баҳор — инсонларга ҳаёт завқини, гулшанлар чиройини очган, яратган Танғри таолони эслатади.

Оддий фикрловчилар назарида гул билан олов бир-биридан узоқ ва номувофиқ тушунчалардир. Аммо, Навоий ёзади:

Чаман оташгоҳига оташин гулдин чу ўт солдинг,
Самандардек ул ўтдин кулга ботти булбули шайдо.

Байтнинг биринчи мисрасида шоир Яратганга садоқати туфайли Иброҳим Ҳалилуллоҳнинг золим Фиръавн гулханига ташланишини, Худонинг қудрати билан бу оташгоҳ — гулзор-чаманзорга айланиш манзараси кўз олдимизга келади.

Ушбу тасаввуфий ғазал, Аллоҳ таоло санъатига ҳамду санонинг туганчиси ҳам гўзал ва терандир:

Навоий қайси тил бирла сенинг ҳамдинг баён қилсун,
Тиккан жаннат гули васфин қилурда гунг эрур гўё.

Навоий барча оламлар эгасини бениҳоя гўзал мадҳ этса ҳам ўзига жуда кам, гўё тилсиз тикандек кўради ўзини, Ана сизга камтаринликнинг олий поғоналари.

Шоирнинг гулга оид илоҳий илҳом билан битилган баъзи байтларини англашга интиламиз-у, аммо ақлимиз ожизлик қилади:

Фалак нилуфаридин чашмаи меҳр ўлди гар пайдо,
Юзингда Нилдин ул чашма қилмиш нилуфар пайдо.

Бу ерда оламга нур, ёруғлик берувчи Меҳр — Қуёш сифати ва гўзал маъшуқанинг чиройли кўзи атрофига Нил билан сурма тортилганида оқиб тушган ашки — кўз ёшининг нилуфардай гўзал эканлигини, айни вақтда Нил дарёсидаги нилуфар манзарасини ўйлаймиз. Аммо бари бир байт маъносининг тагига тўла етолмаймиз. Эҳтимол бир кун етармиз?

Маҳкам АНДИЖОНИЙ.



Зангиота райони Назарбек даҳасидаги темир йўллар касалхонаси шифокорларининг ширинсўзлиги, билимдонлигию беморларга ғамхўрлиги тўғрисидаги илиқ сўзларини нафақат Тошкент вилоятида, балки, пойтахтдек шаҳри азимда ҳам кўплар билади. Бу аввало тиббиёт ходимларининг касбига садоқати, ишбилармонлиги, меҳрибонлигидан, яна халатларидек оппоқ, покиза қалбларидандир.
СУРАТДА: даволаш бўйича бош шифокор ёрдамчиси Қаҳрамон Умаров функционал диагностика бўлими бошлиғи Дина Шакурова ва лаборант Дилором Умарбековалар билан мулоқотда.

СУВ ОСТИДА ЎН ЙИЛ

Бундан 23 йил аввал «Останкино» телекўрсатуви уч қисмдан иборат «Голиаф қутмоқда» фильмини намойиш этганида, кўпчилик томошабинлар фильмдаги воқеаларни хаёлий саргузашт дейишди. Чунки «Голиаф» — йўловчилар ташийдиган кемада бўлган воқеага ишониш қийин эдида! Уруш вақтида бир неча юз йўловчидан иборат кема фалокат туфайли сувга чўкиб кетади. Бироқ кемадаги одамларнинг бир қисми ҳавоси сақланиб қолган бўшлиқ жойда соғ-саломат қолишади, бир неча вақт сув остида ҳаёт кечиришади.

Фильм яратувчилар томонидан ўйлаб чиқарилган бу воқеа ростдан ҳам бўлган экан. Яқинда «Экстра—пресс» агентлиги шу ҳақда хабар қилди.

Фил суяги қирғоғи яқинида 40 фут чуқурликда иш олиб боришган текширишда сув тагида сузувчилар бундан ўн йил олдин чўкиб кетган кемага дуч келишди. Улар маҳаллий ҳокимиятга кемада тирик одамлар бор эканлигини айтишганда аввалига бунга ишонишмайди. Кема 1985 йил 23 июнда сувга чўкиб кетган эди. 14 денгизчи эса дом-дараксиз кетганлар рўйхатига киритилганди. Мутахассислар трюмда катта ҳаво бўшлиги пайдо бўлганини хаёлларига ҳам келтиришмаган эди. Бу бўшлиқ одамларни кислород билан таъминлаб турган, иккинчидан, уларнинг бахтига кемада консерва ҳамда ичимлик сув бўлган.

«Бу одамларни қутқазишнинг ўзи ғўё башоратни кашф қилгандай бўлди», — деди журналистларга Бранд Бассам. Фил суяги яқинидаги денгиз бошқармасининг вакили Л. Парине эса: «Улар тюрмга тушиб қолишган. У ердан чиқишнинг имконини топишмаган, кема чўккан ер унча чуқур бўлмаса ҳам қутилишдан умидини узишган эди!» дейди.

Қутқарилган 14 денгизчи сув остидан олиб чиқилди. Қуруқ суяклари қолган бу одамлар тельбага айланган эди. Ўн бир денгизчи шифокорлар ихтиёрига жўнатилади. Касаллари қучайган уч денгизчини эса психиатрия клиникасига ётқизишга тўғри келди.

Тюрмдаги тутқинларга биринчи бўлиб етиб борган Амадоу Валлиннинг журналистларга берган хабари бўйича дастлаб у жонли суякларни кўрганда қўрқиб кетган. «Мен улар билан сўзлашишга уриниб кўрдим, бироқ бунинг иложи бўлмади», деб эсга олади. Амадоу уларнинг биронтаси билан сўзлаша олмайди. «Мен фақат инқиллаш ҳамда инграганларини эшитдим. Улар узаро алоқа қобилиятини йўқотишган эди.»

Шифокорларга ҳам қутқарилганлар билан муомала қилишнинг имкони бўлмаётир. Уларнинг ҳали ўзларига келгунича бир оз вақт ўтса керак, деб маълум қилади «Экстра -пресс».

Қидирбой ТЎЛЕБОЕВ,
тайёрлаган.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Қадрли Зироат Ҳусанова!

Таваллуд топган кунингиз муносабати билан умр йўлдошингиз Шуҳрат Ҳусанов, оила аъзоларингиз, барча қавму қариндошларингиз номидан йўлланаётган ушбу самимий ва қизғин табрикномани қабул этинг. Сиз учун ғоят қувончли кунда муборакбод этар эканмиз, сиҳат-саломатлик, узоқ умр, болалар боғчасидаги меҳнат фаолиятингизга ривож тилаймиз. Наврўз шодиёналари давом этаётган шу кунларда ҳаётингиз баҳордай гўзал бўлишини ният қиламиз. Умр йўлдошингиз билан фарзандларингиз — Камола, Муҳаббат, Элёрларнинг бахту камолини кўринглар, дея эзгу тилак билдирамиз.

Ускуналар сотиб олинг

Тошкентдаги ташкилотдан қуйидагиларни сотиб олсангиз, ишлаб чиқаришни ривожлантириб, даромадингизни кўпайтирасиз:

— ёғочни қайта ишлаш цехи ускуналари (4 дона электр арра, 2 дона электр дрель, бир дона электр ранда, бир дона чархлаш дастгоҳи, бир дона электр циркулярка, бир дона рах (шпунт) чиқариш мосламаси);

— ФРУ-1 типидаги колбаса цехи ускуналари мажмуи (гўшт кескич-қиймалагич, кутер, аравачалар, дудлаш қурилмаси, бошқарув пульти);

— 3, 7, 11, 15, 18, 30, 37, 45, 55 кВт қувватли электродвигателлар;

— АСБ 3х240 типидаги кабель (900 метр);

— ЛСП 2х36 типидаги ёриттичлар;

— 50 кВт қувватли дизель электростанцияси;

— Болгарияда ишлаб чиқарилган 25, 50 типидаги эулпинлар (задвижка);

— 1,5 жойга мўлжалланган оқ рангли кўрпа-ёстиқ ғилофлари;

— брезент қўлқоплар;

— 0,25 куб метр сигимли бетон қоргичлар.

Мурожаат учун телефон: 75-85-19.

ГИПС, КЛЕЙ, БУЁҚ КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

Тошкентдаги ташкилотдан қуйидагиларни сотиб олишингиз мумкин:

— Эронда ишлаб чиқарилган ПВА клейи (0,9 килограммли банкаларда, 1 банкаси 190 сўм);

— Г—16 типидаги қолип тайёрлашда ва қурилишда ишлатиладиган гипс (килограмми 18 сўмдан);

— турт хил рангли ячеймаган смальта (чинни, шиша ва сопол буюмларни ўрашда ишлатиладиган оч қизил буёқ, ҳар тоннаси 25 минг сўмдан).

Мулоқот учун телефон: 45-74-84.

Тошкент шаҳар С. Раҳимов туманидаги масъулияти чекланган жамият — «Тоҳир» фирмаси тугатилмоқда.

Даъволар эълон чиққан кунлан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Телефон: 42-44-46.

●ХУШХАБАРЛАР●

«Фарғонамебель» жамоа корхонаси истеъмолчилар билан 36 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериш тўғрисида шартнома имзолади. Ҳозирдаёқ 11 миллион сўмлик маҳсулот жўнатилди.

— Иккала томон манфаати баб-баравар кўзда тутилган шартнома муваффақият гарови бўлмоқда, — дейди корхона бошлиғи У. Мавлонов. — Мижозларнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда маҳсулот тури ва сифати яхшиланмоқда. Ҳозир 30 турда мебель ишлаб чиқариладиёр. Бу йил Хоразм ва Андижон вилоятларида ҳам фирма дуконлари очилди. Хомашёдан кўнглимиз тўқ. Россиянинг Пермь вилоятидаги «Фанера» комбинати, Каменьск шаҳри кимёгарлари билан маҳсулот айрибошлаш шарти билан шартнома тузилган. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш имконини беради.

***

Қувасой гишт заводида янги маҳсулот — оқ гишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Зах тортмайдиган бу гиштдан тикланган уйлар нурамайди, ёзда салқин, қишда эса иссиқ бўлади. Оқ гишт биноларни безашда ҳам қўл келади. Янги маҳсулот истеъмолчи талабига қараб турли ҳажмда тайёрлаб берилади.

***

Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги «Қўрғонтепа» жамоа хўжалиги тадбиркорлари кўп харажат қилмасданоқ қирқ нафарга яқин аёлни доимий иш билан таъминлайдиган касаначилик цехлари ташкил этишди. Чеварлиги билан танилган тикувчиларни кийим-кечак, тўшак, чойшаб тикиш учун зарур хомашё ва бошқа материаллар билан таъминлашни хўжалик ўз зиммасига олди. Касаначиларнинг кўпчилигида тикув машинаси бор. Бошқаларга эса жамоа ҳисобидан тикув машинаси олиб берилди.

Хўжаликда коржома, қўйлак, шим, болалар кийимлари тикадиган цех ҳам ишлаб турибди — ҳамқишлоқларнинг буюртмалари шаҳардаги модалар уйларидагидан қолишмайдиган даражада сифатли бажарилмоқда. Жамоа хўжалигида тайёрланган тикувчилик маҳсулотлари қўшни хўжаликларда, шунингдек, вилоят савдо шохобчалари орқали сотилмоқда.

Жамоа хўжалигида тикувчилик цехларидан ташқари автомобиль шиналари, машиналарни таъмирлаш устаханалари ташкил қилинган, иккита тегирмон, учта шоли оқлаш цехи ҳам ишлаб турибди.

ЭНГ ХУШБЎЙ ГУЛ, ЭНГ ЁҚИМЛИ НАВО

Фарзанд — оила гулшанининг энг хушбўй ҳамда суюкли гули ва фарзанд қўриш ҳар бир ота-онанинг энг эзгу орзусидир. Ҳар бир ота кўча-кўйда ўглини кўз-кўз қилиб олиб юришни, ҳар бир она қизчасига чиройли кўйлакчалар тикиб беришни ширин энтикиш билан орзу қилади. Шубҳасизки, ҳар бир оилада туғилажак фарзандга атаб кийим-кечаклар тикилади, бешик ясатилади. Ўзбек халқининг фарзандга бўлган муҳаббати узғача. Оила фарзанд туғилиши муносабати билан турли-туман расм-русм ва маросимларни ўтказади. Фарзанд туғилган хонадонга янги меҳмон ташрифининг қувончи билан бирга қарнай-сурнайларнинг шодон новою суюнчи сўраб кирган болакайларнинг қий-чуви ҳам қириб, олам-жаҳон файз ва сурур бағишлайди. Зеро, халқимиз «Болали уй бозор, боласиз уй мозор» деб бежиз айтмаган.

Фарзанд туғилиши билан боғлиқ бўлган бири-биридан гўзал ва жозибадор маросимлар нафақат ҳаётимизга файз бағишлайди, балки янги туғилган чақалоқнинг ҳаётига ҳам ҳайрли таъсир этади. Халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб, ривож топиб келган маросимлари орасида «чақалоқ қулоғига азон айтиш», «қорин сочини олиш», «соч қирқиш», «тирноқ олиш», «ақиқа», «кулча думалатар», «кўгирмоч сочар», «бешикка солар» кабилари айниқса ажралиб туради. «Бешик туйи» эса энг қувончли ва мўътабар саналади.

Бешик туйи ҳар бир ўзбек оиласи учун эзгу орзудир. Бирон кишн топилмаса керакки, хонадонига карнай-сурнай садолари остида ясатиғлик бешик кириб келишини истамаса. Бувижонларимиз қулига игна олиб фарзандларининг дилбандларига атаб чиройли кўйлаклар, бешик учун жимжимадор безак ва анжомларни тикадилар. «Мевасидан данаги ширин» дейдиган бу нуронийларимиз набиралларининг бешик тўйларини чин дилдан истайдилар, уша кунга етказишни Худодан сўрайдилар. Демак, бешик тўйи ҳар бир ўзбек хонадони учун ардоқлидир.

Ҳар бир маросим сингари, бу тўйнинг ҳам ўз қоидаси, ўз аъмоли бор. Қизнинг онаси унинг биринчи фарзанди учун бешик безайди. Бозордан янги ясалган бешик сотиб олинади, унинг ёпқичлари, қуқрак, оёқ қўрпачалари, қўлбоғ, ёстиқчалар тикилади. Бешикни бахтли хонадонга чақалоқнинг яқини елкасига қўйиб олиб киради. Бундай қувончли дақиқаларда унга суюнчи сифатида чопон ва қийиқча берилади.

Бешик ўзбек халқи яратган қадимий санъат асаридир. Усталар унга кўз нури билан бирга қалб қўри ва дил ҳароратини ҳам сингдиришган. Шу сабабдан ҳам уни асло камситиб, оёқости қилиб бўлмайди. Шунинг учун буларимиз бешикни ялангоч қолдириш, ичида бола йўтига тебратиш, ифлос жойларда сақлаш, фойдаланмай ташлаб қўйиш мумкин эмаслигини қайта-қайта уқтирадилар.

Чақалоқ бешикка солиб бўлингач, онадан жуда катта масъулият ва эҳтиёткорлик талаб этилади. Бола кун бўйи бешикда ётавермаслиги, вақти-вақти билан ечилиб, силаб-сийпаб турилиши лозим. Одатимизга кўра бешикдаги бола ҳеч вақт ёлғиз қолдирилмайди. Худо ёлғиз одамни ёқтирмас экан. Шунинг учун ҳам турли шаҳар ва қишлоқларда чақалоқнинг ёнига ҳар хил буюмлар қўйиб кетилади. Масалан Тошкентда тароқ, ойна, пичоқ, қулча нон, тош, гармдори, кўзмунчоқ, Самарқандда тошқайроқ, пиёз, қалампир, Бухорода нон, саримсоқ, пичоқ, Наманганда туз, исириқ каби нарсалар қўйилади. Албатта, ушбу буюмларнинг ҳар бири ўз рамзий маъносига эга. Яъни қулча ва туз — ризқли бўлсин, пичоқ — душмандан асрасин, тароқ, кўзмунчоқ — ёмон кўздан сақласин, ойна — ёруғлик, тош — боши тошдан бўлсин деганидир. Бу удумлар болани омон сақлайди, унинг ёлғизлигини билдирмайди, инс-жинслардан муҳофаза этади.

Болани бешикка белашдан сўнг бажариладиган бир қанча маросимлар бор. Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида бешик устидан кийим, болиш, дастурхон ташланади. Бунда кийимни серфарзанд бўлсин деб, болишни феълни юмшоқ бўлсин деб, дастурхонни ризқли бўлсин деб ташлайдилар.

Бола то бешикка ўргангунича йиғлаши табиий. Бундай ҳолларда болани белаётган она «отанг бақириб келса йиғлама, оканг йиғлаб келса қўрқма» деб, айрим жойларда бешикнинг бош томонида ёнғоқ чақадилар, бошқа жойларда эса, бешик учига муштум ёки ўқлоғи билан урадилар. Бу билан чақалоққа қўрқмас ва жусур бўлиб ўсиш тиланади.

Одатда, бола бешикка белангач, она уни ўнг тарафдан эмизади ва сариёғ суртилган нонни тишлайди. Сўнг нонни чаққонроқ бир бола олиб қочади, қолган болалар уни қувлайдилар. кейин болақайларга бешик устидан ошириб сочқи, қанд, обаки, тешиккулча, бодроқ, ёрёнгоқ, бўғирсоқ, ҳолва каби ширинликлар ва тангалар сочилади.

Болани ҳар гал бешикдан ечганда ечаётган она қафти билан уч марта бешик қўрпачасига ва чақалоқнинг орқасига оҳиста шапатилайди ҳамда «бешиги тахта, орқаси пахта» деб уч марта такрорлайди.

Чақалоқ учун ниҳоятда аҳамиятли ва она учун жуда азиз, ардоқли бўлган яна бир удум борки, айниқса уни унутиш мумкин эмас. Алла айтиш — ҳар бир онанинг ширин орзуси ва ҳар бир фарзаннинг қувончидир. Алла ер юзининг ҳар бир миллат ва элатига хос бўлган ажойиб санъат асари, оналикнинг зийнатидир. Алла айтиш дунёнинг барча оналари учун муштарак одат бўлса-да, ҳар бир миллат ўз халқи яратган аллани севади ва ардоқлайди. Алла бола тарбияси учун ғоят аҳамиятли бўлган қўшиқдир. Она ўзининг дил ҳароратини жо қилган майин ва маъсум мисраларида, мунгли наволарида оналик меҳри, ширин эркалатишлари болан бирга фарзандига эзгу тилаклари ва ўгитнасиҳатларини намоён этади. Ўзбек диёрининг сон-саноқсиз шаҳар ва қишлоқларида ана шу жойнинг ўзигагина хос бўлган, ўзгача майинлик, ўзгача мазмун билан қўйиладиган алла қўшиқлари мавжуд. Аммо ушбу шаҳар-қишлоқлардаги барча қўшиқларда оналарнинг тили орқали доимо ҳамоҳанг аллалар қўйланади. Бу ҳамоҳанглик — эзгулик, меҳр, покизаликдир. Ҳар бир ҳудуднинг алласи, улар бир-биридан айтилиш услуби, қуйи, сузлари, шеваси билан фарқ қиласларда, уларнинг барчасида бир хил оҳанглар — эзгулик, меҳр ва покизалик билан йўғрилган. Зеро, ушбу оҳанглар оналик деб аталувчи муқаддас ва улуғ мусиқанинг энг майин ва нафис наволаридир.

Хайрулло НУРИДДИНОВ.

Р.Р.Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик-виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси гулчилик бўлимининг бошлиғи Муқаддасхон Аҳмедова кўп йиллардан бери бу даргоҳда самарали меҳнат қилиб келмоқда. У 450 хил гул навлари устида изланишлар олиб боради.
СУРАТДА: турфа гуллар шайдоси М. Аҳмедова.
Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ЯНГИ КУН

Турналар қанотидан
қут-барака ёғилгай,
Ҳар гўшада тўй-базм,
шодиёналар, булгай,
Дош қозонда сумалак,
тароналар ёғилгай,
Бу сенинг шарофатинг —
Наврўзим, янги куним,
Ҳам файзу тароватинг —
Наврўзим, янги куним.
Эпкин-эпкин шабода,
гул ғунчалар роз айтар,
Боларилар тўпланиб
қўшиқ айтар, соз айтар,
Қалдиргочлар ғоч-ғочин
оғочларда боз айтар,
Бу сенинг шарофатинг —
Наврўзим, янги куним,
Ҳам файзу тароватинг —
Наврўзим, янги куним.
Жилғаларда юз чайиб
ялпизлар ҳид тарайди,
Лайлаклар уясидан
ҳадиксираб қарайди,
Бобосига ҳашарда
набираси ярайди,
Бу сенинг шарофатинг —
Наврўзим, янги куним,
Ҳам файзу тароватинг —
Наврўзим, янги куним.
Кўпкарилар авж олар
маҳаллаю кўйларда,
Лапар айтар момолар
базми-жамшид тўйларда,
Ёши-қари сармастдир
баҳор гашти ўйларда,
Бу сенинг шарофатинг —
Наврўзим, янги куним,
Ҳам файзу тароватинг —
Наврўзим, янги куним.
Бойчечакни элчи деб
баҳор ўзи суйгандир,
Қир-адирлар сурурин
ватандошим туйгандир.
Қўролмаган ҳар бир кўз
ўз-ўзидан қуйгандир,
Бу сенинг шарофатинг —
Наврўзим, янги куним,
Ҳам файзу тароватинг —
Наврўзим, янги куним!

Хусанжон АМИН.

КЎКЙЎТАЛГА ДАВО

Кўкйўталга асосан болалар чалинади. Бу хасталикни кўксов деб ҳам аташади. Кўкйўтал ўткир юқумли касалликдир. Унинг қўзғотувчиси (таёқчаси) бемор йўталганда ҳавога тарқалади ва яқин масофада турган соғлом боланинг нафас йўли орқали ичига кириб, қўпаяди. Бу хасталик билан 1-5 ёшли болалар оғрийди. Баъзида ҳатто бир ёшга тўлмаган ғудаклар ҳам оғриши мумкин.

Хасталик енгил йўтал билан бошланиб, сўнг кундан-кун кучаяверади, бадан ҳарорати кўтирилади. Йўтал тутганда боланинг юзи аввал бироз қизаради, сўнгра кўкимтир тус олади. Хасталикнинг номи ҳам ана шундан олинган. Йўтал кучайиб беморнинг кўнгли озади ва у қайт қилади. Бунда бир кунда 5 мартадан 30 мартагача йўтал тутиши, хасталик оғир кечиб, 5 ҳафтадан то 12 ҳафтагача чўзилиши, бурун қонаши, ёш ғудакларда ҳатто нафас олишнинг оғирлашиши ҳам мумкин. Бу нохуш хасталикни имкон борича касалхоналарда, мутахассис шифокор назорати остида даволаш зарур.

Кўкйўтални даволашда шифобахш усимликлар ҳам қадим-қадимдан қўлланиб келинган. Буюк Абу Али ибн Сино бу хасталикни даволашда ҳиссоп, санавбар, сассиқ кавракларни тавсия этган.

Ҳозирги замон халқ табобати ва илмий тиббиёт кўкйўтални даволашда қуйидаги шифобахш гиёҳлардан фойдаланади. Жумладан, қора андиз, тоғрайҳон, сигирқуйрик, газанда ўт, қора итузум, кунгабоқар, турп, ширинмия, сарсабил, бинафша, тоғжамбил, лами ва бошқалардан фойдаланган беморлар тезда шифо топиши аниқ.

Шотурсун УСМОНОВ,
доришунос.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Расулмат ҲУСАНОВ, Мирзажон ИСЛОМОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Миргиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙЛАР:
«ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ
«Ўзқишлоқўзжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси
«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Деҳқончилик бўлими — 36-56-35, 36-54-51. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 36-56-34. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 36-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 36-54-52.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0124, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.30 Нусхаси 17006.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 3 4 6.